

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 21-oktyabr • №43 (4130)

## АСЛ ТИЛЛАРНИНГ МАНБАИ

Миллий тил ривожи — миллат тараққиётининг асосий шартларидан бири. Зеро, миллатнинг миллатлиги тилига кўра экани аён ҳақиқат. Шу боис ўзини билган халқ она тили ривожига ҳаёт-мамот масаласи деб қарайди. Муттасил равишда уни бойитиш, нуфузини кўтариш йўлида жидду жаҳд қилади.

Савол туғилади: биз қандай тил соҳибимиз? Она тилимизнинг дунёдаги бошқа тиллар орасида тутган мавқеи қай даражада? "Муҳокамат ул-луғатайн"да ҳазрат Навоий бу ҳақда қуйидагича ёзади: "...уч навъ тилдурким, асл ва мўътабардур ва ул тиллар иборот гавҳари билан қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаъидур..."

Эътибор беринг: "асл тилларнинг маншаъи...". Бу ҳазилакам гап эмас. Маншаъ – бу сўз "Навоий асарлари луғати"да "бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши", дея изоҳланган. Демак, бизнинг тилимиз бошқа асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тиллардан ва биз дунёнинг энг қадим миллатлариданмиз.

Дарҳақиқат, дунёдаги "асл тилларнинг маншаъи"га ворис эканимиз рост. Бундан қарийб минг йил муқаддам буюк Маҳмуд Кошғарий она тилимизнинг ўша кезлари илм-фан тили сифатида эътироф қозонган араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб, ўзиб кетаётганини фахр билан таъкидлаган эди. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, "малик ул-калом" Лутфий сингари мутафаккир боболаримиз бу тил равнақига муносиб ҳисса қўшгани, ҳазрат Навоий эса уни тараққиётнинг мутлақо янги юксак босқичига кўтаргани айни ҳақиқат.

Давоми иккинчи саҳифада.



Суратда: Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 47-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Зуҳра Маҳмудова. Диммурод Сулаймонов олган сурат.

## ОНА ТИЛИМ

Шеърий лавҳа

Сўзлар келар қайси дунёдан,
Қайдан келар бу соҳир оҳанг.
Бу не сўздир – ҳар бирида бўй,
Бу не сўздир – ҳар бирида ранг.

Бу не сўздир Одам Атони,
Азиз қилган фаришталардан.
Айтинг, ахир "кўнгил" деган сўз,
Тўқилган қай нур ришталардан.

Бу не сўздир – ҳазрат Навоий
Чопар қилган етти иқлимга.
Бу не сўздир – ҳатто менинг ҳам
Сурат берган дилу ақлимга.

Бу не сўзким – гуллар, чечаклар
Хандасини нақш этар дилга.
Қайси тилда ҳамиша, ҳар вақт
Қофиядир "тил" сўзи "дил"га.

Она тилим – шу сайрон тилим
Фақат эзгу сўзлар макони.
Омон бўлса эзгу сўз билан
Қутқаради ҳали дунёни.

Менинг учун ҳар бир сўз шеърдир
Ва ғазалдир ҳар битта ҳижо.
Куй сингари қалбга қуйилур
Шу тил билан сўзлаган дунё.

Мақсуда ЭРГАШЕВА

## ИЖОДИЙ ФАОЛЛИК

### адабиётимиз ривожига хизмат қилади

Ёзувчилар уюшмасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда уюшма қошидаги ижодий кенгашлар фаолияти муҳокама қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид, халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши раиси Муҳаммад Али, танқид ва адабиётшунослик кенгаши раиси Ҳамидулла Болтабоев, шеърият кенгаши раиси Маҳмуд Тоир, "Ижод" жамоат фонди раҳбари Акром Адизов ва бошқалар ижодий кенгашлар томонидан амалга оширилаётган ишлар ва вазифалар ҳақида фикр билдиришди.

Айни пайтда юртимизнинг турли вилоятларида яшаб ижод қилаётган қаламкашларнинг янги асарлари қўлёзмалари кенгашларга тақдим этилиб, муҳокама қилиняпти. Яхши баҳоланган бир қатор асарлар кенгашлар томонидан нашриётларга тавсия этилди. Ўроз Ҳайдар, Зарина Акмал, Сайёра Жабборзода, Хайриддин Бегматов, Комил Аваз, Исажон Султон, Қамчибек Кенжа, Собир Ўнар сингари адибларнинг қисса ва романлари наср кенгашида муҳокама этилди. Ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" асари асосида саҳналаштирилган спектакл драматургия кенгаши томонидан муҳокама этилиб, муносиб баҳоланди. Шунингдек, "Ёш драматурглар баёзи" китоби ҳам нашрга тайёрланди. "XX аср ўзбек шеъриятидан намуналар" китоби ўзбек ва корейс тилларида, "Қалбим сизга интилади" китоби ўзбек ва инглиз тилларида нашр этилди. Тошкент давлат шарқшунослик институти ходимлари билан ҳамкорликда Чўлпоннинг "Халқ" шеъри ўн тўрт тилга таржима қилинди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирларда ҳам мазкур ижодий кенгашлар фаол иштирок этди. Танқид ва адабиётшунослик кенгаши томонидан ушбу қутлуғ санага бағишлаб "Истиқлол даври ўзбек адабиёти" адабий-танқидий мақолалар тўплами тайёрланди.

Ижодий кенгашлар олдида ижодкорларнинг пухта-пишиқ асарлар яратишига кўмаклашиш, миллий адабиётимизни янги асарлар билан бойитиш, шеърий, насрий китоблар, саҳна асарлари, публицистик мақолалар ва таржима асарлари қўлёзмаларини чуқур таҳлил этиш, уларга ўз вақтида муносабат билдириш каби муаммолар турибди. Шу билан бирга, ҳар бир кенгаш вилоятларда ўзининг кўчма йиғилишларини ўтказиб, бевосита жойлардаги ижодкорлар билан юзма-юз учрашиши ва истеъдод эгаларини излаб топиши керак. Энг сара асарларни жаҳонга тарғиб қилиш ҳам долзарб. Йиғилишда ушбу масалалар юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар юритилди. Амалга оширилиши зарур бўлган галдаги вазифалар ҳақида кенгашиб олинди.

**Уйғун РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби**

## ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ БАЙРАМИ

### 23-29 октябр кунлари пойтахтимизда VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси бўлиб ўтади.

"Style.uz" санъат ҳафталиги доирасида "Олтин гепард", "Theatre.uz" каби халқаро форум ва фестиваллар фаолият бошлаганидан хабарингиз бор. 23 октябрда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида яна бир нуфузли тадбир — VI халқаро Тошкент замонавий санъат биенналеси бошланади.

Замонавий санъатда рассомнинг ижодий макони ва ижтимоий-маданий муҳит мавзуида ўтадиган биеннале жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган ижтимоий муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ечимларига бағишланган.

— Тасвирий санъат оламида ранг, шакл, услуб каби бадиий ифода воситалари мунтазам ўзгариб боради, — дейди мазкур биеннале бош директори Сардор Бобоев. — Тадбирдан кўзланган асосий мақсад юртимиз санъат ихлосмандларини замонавий жараёнлар билан яқиндан таништириш, уларнинг эстетик савиясини оширишга қаратилган. Бундан ташқари, ўзбек ва хориждаги рассомлар ўртасида ижодий мулоқот ўрнатиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган. Албатта, биеннале фақат асарлар кўргазмаси билан чекланиб қолмайди. Тадбир доирасида "Мултимаданият инқирози ёки трансформацияси: биеннале ҳудуди" мавзуида илмий-назарий анжуман ўтказиш режалаштирилган. Унда глобаллашув жараёнида тасвирий санъатнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, вазифалари муҳокама қилинади.

Биеннале давомида жами саккизта кўргазма бўлиб ўтади. Унда Австрия, Арманистон, Аргентина, АҚШ, Бразилия, Вьетнам, Исроил, Хитой, Эрон каби мамлакатлардан келган бир юз элликдан ортиқ рассомлар ранг-баранг жанр ва услубдаги асарлари билан қатнашади. Кўргазмада намойиш этиладиган картиналар қаторида дунёга машҳур Жоана Миро, замонавий испан импрессионистлари Луиса Амери, Мартина Каралия, Хорхе Нунеса сингари ижодкорлар асарлари ҳам жой олган. Шунингдек, тадбирга ташриф буюрган томошабинлар Лондоннинг машҳур "Фаберже" заргарлик уйининг "Ижод — бу мен" номли кўргазмаси, россиялик таниқли фотосуратчи рассом Игорь Вишняков асарларидан ҳам баҳраманд бўлиши мумкин.

Халқаро биеннале доирасида "Гедонизм эстетикаси: таом, тана, руҳ", "Отто Дикснинг жиддий услуби", "Марказий Осиё салони — 2011", "Ўзбекистон — жонажон уйим" каби лойиҳалар ўрин олган. Улар орасида "Ўзбекистон Миллий павилони" лойиҳаси томошабинлар эътиборини тортиши аниқ. Унда истиқлол йилларида юртимизда ижодий изланишлари эътирофга сазовор бўлган Бобур Исмоилов, Леким Ибрагимов, Нигора Шарафхўжаева, Фаррух Аҳмадалиев каби истеъдодли рассомларнинг энг сара ишлари намойиш қилинади.

**Муниса АЛИЕВА**


### ОБУНА — 2012

**Азиз газетхон!**

**Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.**

**Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.**

**Нашр кўрсаткичимиз –222.**


## УСТОЗЛИК МАҚОМИ

Мулоҳаза

Шарқда, хусусан, биз ўзбекларда устоз мақоми ниҳоятда баланд. Муайян касб, ҳунар ёхуд санъат эгаси ўз соҳасининг сир-асрорларини шу соҳанинг бошқа етакчи, тажрибали билимдонидан ўрганади ва худди шу жойда устоз-шогирдлик муносабати шаклланади.

Илм жабҳасида бу сўз расмий характерга эга. Дейлик, бир фан номзодининг фақат биргина расмий устози бўлади. Халқимиз тилидаги машҳур мақолни эсга олайлик: устоз — отангдан улуғ. Ушбу мақол шаклини бир оз таҳрир билан "отангдек" дейдиган ҳам бўлишди. Бу унча тўғри эмас. Унутмаслик кераккки, бу ўринда гап "гап" ҳақида эмас, "мақол" ҳақида кетяпти. Мақол бу халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри — адабий ҳодисадир. Адабиёт эса сўзга, фикру мулоҳазага пардоз беради, ошириб гапиришни тақозо қилади. Бинобарин, мақолга сўз санъати мезонларидан келиб чиқиб муносабат билдириш лозим. Мақол таркибидаги "дан"ни "дек" деб ўзгартириш унинг сўз санъатига хос хусусиятини хийла сийқалаштиради. Демоқчиманки, адабий унсур муболағасиз қўлланса, мақолнинг ўзига хос тароватига путур етади. Боз устига мақол моҳияти ота мавқеини пасайтиришни эмас, устозга кўрсатилиши лозим бўлган алоҳида эҳтиромни ўзида мажассамлаштирган.

Мақол моҳиятини англашнинг мураккаб жиҳати йўқ. Бўлмайдиям. Баъзилар дейдики, ота фарзандни дунёга келтирган зот, у кишидан устун бўладиган инсон ҳаётда бўлиши мумкин эмас. Тўғри, бу фикрда жон йўқ эмас. Шу билан бирга, бу шарқона ахлоқ мезонларини ёхуд унинг моҳиятини, шунингдек, эстетик сўз жозибасини идрок этадиганлар фикри эмас. Устозни улуғлаш отага бўлган эҳтиромнинг олий босқичи. Алҳол, ўзгача эмас.

Ҳаётда гоҳо оилавий шароитидан, аниқроғи отасининг ношудлигидан азият чеккан одамлар ҳам учрайди. Уларга шу мақол шаклларини кўрсатсангиз, шубҳасиз, биринчисини — "отангдан улуғ" деган муқобилни танлайди. Бу ерда бошқа парадокс бор. У ўз фикрининг тўғрилигини етарлича англаяпти. Яъни, у масалага ўз ҳаётидан келиб чиқиб муносабат билдиряпти. Шунга қарамай, унинг фикри машҳур мақол моҳиятига тўла мос.

Ҳозир "шогирди" ҳақида оғиз кўпиртириб гапирадиган "устозча"лар кўпайиб бораётгандек. Айниқса, қўшиқчилар ўртасида. Савияли ёки ўзига яраша дунёқарашли мухлисга эга бўлмаган уч-тўрт хонандалар ҳали ўз йўналишига етарлича эга бўлмай туриб, "шогирдларим" дея бонг уриш нақадар одобсизлик эканини билишмайди. Улар шогирдлари ҳақида мақтаниб сўзлашдан олдин, устозлик бурчларини тўлиқ адо этиш ҳақида ўйласалар яхши бўлур эди. Эл орасида машҳур, деган эътироф ҳам рағбат, албатта, аммо бу ҳали устозлик рутбасига эришди дегани эмас. Устозлик мақоми бу тушунчалардан баланд туради. Яхши санъаткор бўлиш эҳтимол осондир. Бироқ устоз санъаткор бўлишнинг ўзига яраша масъулияти бор. Бу фикр изоҳга муҳтож бўлмаса керак.

Нуфузли санъаткоримиз, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов ўз услуби, йўналишида ижод қилиб, халқ назарига тушаётган бир неча шогирдлари бўлгани ҳолда яқинда берган бир интервьюсида: "Менинг шогирдим йўқ, мабодо санъатимдан баҳраманд бўлиб, қўшиқларимни айтиш орқали ўз йўналишини топишга интилаётган хонандалар мени ўзларига устоз билсалар, мен ҳам уларни шогирдим, деб ҳисоблайман", дебди. Ана буни чинакам устоз эътирофи десак, арзийди. Ҳақиқий устоз камтар бўлсин. Талабчанлик, қатъийлик, меҳрибонлик ва бошқа фазилатлар худди шу камтарликдан униб чиқаверади. Алқисса, устоз — отангдан улуғ. Зинҳор ўзгача эмас.

**Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,**
**адабиётшунос**

## ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛ

Кино санъати ихлосмандлари йил давомида орзиқиб кутган дамлар етиб келди. "Олтин гепард" биринчи халқаро Тошкент кинофоруми ўз фаолиятини бошлади. Киноанжуман пойтахтимизнинг муҳташам Ёшлар ижод саройида очилди. Машҳур кинофестиваллар одатига кўра қизил гилам тўшалиб, форум қатнашчилари юртимиз кино ижодкорлари ва хорижлик меҳмонлар олқишлар остида кутиб олинди. Тантанали маросимни "Аббос" гуруҳи доира ва карнай, сурнай садолари билан очиб берди. Миллий чолғуларимизнинг дилбар оҳанглари, машҳур филмлардан ижро этилган мусиқий парчалар тадбирга ўзгача руҳ бахш этди.



— Ўзбекистон мен учун бегона эмас, — дейди германиялик машҳур киномутахассис, ҳайъат аъзоси Мори де Хаделн. — Бундан қирқ йил илгари Тошкентда ўтган халқаро кинофестивалда иштирок этганман. Ўша кезларда барча Тошкентни нон шаҳри, деб атар эди. Бугун эса Тошкент кино шаҳри сифатида ўз мақомига эга бўлиб бормоқда. Юртингизда кинематография соҳаси ривожига қаратилаётган эътибор мени ҳайратга солди. Бу борада "Ўзбеккино", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси каби ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. "Олтин гепард" халқаро кинофорумини жаҳон экран санъатидаги дадил қадам сифатида баҳолаш мумкин.




Тадбир давомида томошабинлар кинофорумнинг бош рамзи — "Олтин гепард" совринини билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Шунингдек, форумга раислик қиладиган ҳакамлар таркиби эълон қилинди. Ҳайъат аъзолари сафидан юртимизнинг истеъдодли кино ижодкорлари Нозим Тўлахўжаев, Аюб Шаҳобиддинов, Ёлқин Тўйчиев ҳам ўрин олган.

## БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси наср кенгаши шу йилнинг 26 октябр, чоршанба куни соат 11.00 да ёзувчи Баҳодир Қобулнинг "Эна шамол" китоби тақдимоти доирасида ижодий учрашув ўтказади. Учрашувга шоир-ёзувчилар, адабиётшунослар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

**Манзил: Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16 "А" бино.**

## "САБО"НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Корея Республикасида "Чхонан жаҳон халқлари рақс фестивали — 2011" халқаро танлови бўлиб ўтди. Дунёнинг 21 мамлакатидан келган рақс санъати усталари қаторида Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг "Сабо" миллий рақс ансамбли ўзбек миллий санъатини намойиш этди.

Жозибали рақслари, миллий руҳга йўғрилган ижро маданияти билан мухлислар ва мутахассислар олқишига сазовор бўлган "Сабо" ансамбли биринчи ўринни эгаллаш билан бирга, "Энг гўзал рақс либоси" учун таъсис этилган дипломни ҳам қўлга киритди.

Халқаро тадбир доирасида Корея рақс жамияти ҳамда Кёнгидо провинциясидаги Гоян шаҳар мэрияси ҳамкорлигида ўзбек рақс гуруҳининг концерти бўлиб ўтди. Бу шаҳарда ҳам санъаткорларимизнинг чиқишларини самимий олқишлашди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

# Асл тилларнинг манбаи

Бироқ она тилимиз ҳар доим ҳам тараққиётнинг баланд поғоналарида турган эмас. Шундай даврлар ҳам бўлдики, у таназзул изтиробларини бошдан кечирди. Абдурауф Фитрат уни дунёнинг энг бой ва бахтсиз тили, деб бежиз куйинмаган. Абдулла Авлонийнинг "Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур", дея ёзғириши замирида ҳам катта маъно бор. Чиндан, миллат бошқа ҳар қандай бойлигини йўқотса, ўрнини тўлдириш мумкин. Агар у тилидан айрилса, ҳамма нарсасидан, бор-будидан айрилади, миллат сифатида мавжуд бўлолмайди. Шўроларнинг бунга уриниб кўргани маълум. Шукурлар бўлсинки, улар бу муддаоларига эриша олмади.

1989 йилнинг 21 октябри Ватанимиз ва тилимиз тарихида чинакам юксалишни бошлаб берди. Унга давлат тили мақоми берилди. Тараққий этмоғи учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди. Мустақиллик, аслида, ўша кунлардан бошланган эди. Негаки, миллий тил юксак рутбага ноил бўлиши миллатнинг дол қаддини тиклади, шавкатини юксалтирди. Бундай миллат энди бировга қарам бўлиши мумкин эмас эди. Вақтнинг шиддатини қарангки, ана шу тарихий воқеага ҳам 22 йил тўляпти. Хўш, бу бир йигит умрига тенг фурсатда биз она тилимиз равнақи учун нималар қилишга эришдик? Эътиборга лойиқ қандай ишларни амалга оширдик? Унинг тараққиётига бирор улуш қўша оляпмизми?

Мамлакатимиз мустақиллиги она тилимиз ривожи учун катта имкониятлар эшигини очди. Барча соҳалардаги иш юритиш ҳужжатлари ўзбек тилида олиб боріляпти, тилимизнинг расмий идоравий услуби сезиларли даражада такомиллашмоқда ва ҳоказо. Лекин тил шундай ҳодисаки, унинг ривожи учун қонунлар, фармонлар, қарорларнинг ўзигина камлик қилади. Шу миллатга мансуб ҳар бир шахснинг, зиёлининг фидойилиги, жонкуярлиги бўлмаса, бу борада мақсадга эришмоқ маҳол.

Тан олиш керак, худди шу мезондан ёндашилса, ўзимизнинг она тилимизга бўлган бугунги эътиборимиз қаноатланарли эмас. Айрим устоз ижодкорларнинг матбуотдаги чиқишларини эътиборга олмаганда, ҳатто зиёлиларнинг ҳам бу борада етарлича жон куйдираётгани сезилмайди. Бугун телевидение ва радио, матбуот ва реклама тили талаб даражасида эмас. Биргина мисол: сухандонларимиздан бири "Фалон жойга ташриф буюрган гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланадиган киши қўлга олинди", дейишгача борди. Қайси сўз қай ўринда ишлатилиши зарурлигини фарқлай олмайдиган бундай нотавон "сўз устаси" ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Ваҳоланки, «ташриф» сўзи – шараф бағишламоқ маъносини англатади. Бу сўзни қонунбузарга нисбатан қўллаш ноўрингина эмас, уят. Энг ёмони, бу ягона мисол эмас. «Байрамларингиз билан!», «Туғилган кунингиз билан!», деймиз яқинларимизга яхши кунларда. Сўзларнинг бундай йиғмаси ўзга тил қолипи асосида ясалгани аён. Ваҳоланки, дил изҳорини она тилимизда «Байрамингиз муборак бўлсин!», «Туғилган кунингиз билан қутлайман» тарзида ифодалаш мумкин-ку!

Яқин-яқингача серқатнов кўчаларимиздан бирининг энг гавжум жойига "Испытай неожиданное!" деган рус тилидаги жумла ва унинг "Кутилмаганни синаб кўр!" тарзидаги таржимаси акс этган реклама лавҳаси осилиб турар эди. Маъносини тушунтиришга ҳар қандай изоҳли луғат ожизлик қиладиган бундай «таржима» муаллифи "салоҳият"итга қойил қолмай илож йўқ. Энг ачинарлиси, бундай ғаройиб лавҳалар ягона эмас. Ажабо, бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун ҳам махсус кўрсатма керакми? Бу, аяброқ айтганда, она тилимизга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Яна бир ташвишли жиҳат. Бугун пойтахт кўчаларидаги рекламалар асосан ажнабий тилларда. Дўконлар, ошхоналар, ресторанлар, турли савдо шохобчаларининг номларини ўқисангиз, қайсидир бошқа юртга бориб қолгандек сезасиз ўзингизни. Ҳолбуки, Қонуннинг 20-моддасида "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин", дейилган. Сирасини айтганда, зиёли деган ном, улуғ аждодлар олдидаги бурч шуни тақозо этади.

Жаҳон миқёсида кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёнинг нуфузли тиллари даражасига олиб чиқиш ҳаётий заруратдир. Мазкур масъулиятли, ўта муҳим мақсадни амалга оширишда компютер технологияларига, хусусан, компютер лингвистикасига бўлган эҳтиёж яна ҳам ошади. Чунки айнан компютер лингвистикаси ўзбек тилининг жаҳон миқёсига чиқишида, она тилимизнинг жаҳоний эътироф қозонган тиллардан бирига айланишида, уни ўрганиш ва ўргатиш ишларида ҳал қилувчи ўрин тутади. Таълим тизимида бу йўналишда алоҳида бакалавриат йўналишлари, магистратура мутахассисликлари очилиши замон талабидир.

Бугун мамлакатимиз ва миллатимиз билан бирга она тилимиз ҳам дунёга юз тутди. Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари фан ва таълим марказларида ўзбек тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратаётгани фикримиз исботидир. Хитой, Япония, Корея, Украина ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг нуфузли университетларида ўзбек тили бўлимлари очилиб, талабалар она тилимиз бўйича таҳсил оляпти. Миллий университетимизнинг ўзбек филологияси факултетида хитойлик, кореялик талабалар миллий тилимизга оид назарий билимларини ошираётгани, айниқса, қувонарлидир. Улар ўзбек тилида эркин сўзлашишдан ташқари, она тилимиздаги сифатлар ва ибораларни ўз тилларидаги ана шу лисоний ҳодисалар билан қиёсий ўрганаётир. Улардан бири — ўзбек тилшунослиги бўйича магистр даражасига эришган Ли Че Рин юртига қайтар экан, ўзбек ва корейс тиллари қиёсий таҳлилига оид изланишларини давом эттириш орзусида эканини айтган бўлса, иккинчиси — Жо Мин Ёнг тил назарияси бўйича магистрлик диссертацияси устида иш олиб боряпти. Факултет ўқитувчилари мазкур мамлакатларнинг энг обрўли университетларида талабаларга ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ бериб келяпти. Бу биргина она тили таълими соҳасидаги ютуқлар. Яқинда АҚШнинг фавқулодда ва мухтор элчиси Президентимизга ишонч ёрлиғини топширар экан, ўз фикрларини, туйғуларини ўзбек тилида анча равон, изчил ва таъсирчан ифодалади. Бундай холис ва дўстона муносабат, самимий эътироф, албатта, одамни қувонтиради. Она тилимизнинг нурли истиқболига ишонч ҳиссини кучайтиради.

Дунёдаги "асл тилларнинг маншаъи" бўлган миллий тилимизнинг рутбаси келажакда ҳозиргидан ҳам юксалиши шубҳасиз. Фақат бунинг учун нафақат тилшунос, филолог мутахассислар, ҳар бир зиёли миллатимизнинг шаъни тилимиз равнақи билан чамбарчас боғлиқ эканини бир лаҳза бўлсин унутмаслиги зарур.

**Нурбой ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети профессори**

Ватан учун яшайлик!

# Лафзи ҳалол фермерлар

Бу йилги саратон қорақалпоқ фермерларининг ҳам иродасию йиллар давомида тўплаган тажрибаси, ғайратини яна бир бор синовдан ўтказди. Ўтган йили Амударё ўзани обиҳаётга тўлиб, Аспантойнинг оёқ томонига, эски денгиз ултонига сув ўтган, Жилтирбос, Тўқмоқота томонларда мўйноқликлар асрий касбини қайта қўлга олган, қайиқларини Балиқчи қўлтиғига қувонч билан олиб кирган бўлса, бу йил Амударёда обиҳаёт тақчиллиги аён сезилди. Шоир айтганидек, «қуёшнинг дўпписини чирпирак қилиб» мўл пахта хирмони яратиш ҳадисини олган манғитлик қишлоқ мулкдорлари ҳар қатра сувдан унумли фойдаландилар.

Ёз мисли кўрилмаган даражада иссиқ келди. Айбуйир ва Ақчакўл, Бийбозор ва Бўршитов, Кўкдарё ва Куюккўпир, Мискин ва Мамий, Элобод ва Эркиндарё далалари дошқозондек қизди. Ўша кунлари Тахтакўпирдаги «Тайимбет» фермер хўжалиги раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони Сарсенбой Сейитназаров:

— Оз сувдан ҳам тежаб-тергаб фойдаланяпмиз. Ариқдан узоқ жойдаги ғўзаларимни манглай терим билан суғоряпман! — деган эди лутф билан.

Сарсенбойнинг бу қанотли иборасига у қадар ажабланганимиз йўқ. У ҳақиқий деҳқон, ўз ерининг эгаси. 16 октябр куни Тахтакўпирда, Мақпалкўл адирларида, Сарсенбойнинг даласида бўлдик. Ақраб ойи яқин қолганига қарамасдан қуёш мўл-мўл нур сочаётир. Сарсенбой Сейитназаров раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари йиғиб-териб олган ҳосил салмоғи 280 тоннадан ошганини эшитиб, уста деҳқонларга офарин, дедик. Негаки, фермер хўжалиги бу йил давлатга 125 тонна пахта сотиш юзасидан шартнома имзолаган эди. Режа сентябр ойининг иккинчи ўн кунлигидаёқ ёруғ юз билан уддаланибди. Демак мулкдор ҳозиргача давлат режадан ташқари 155 тонна хом ашё сотибди. Бу қозон ҳам, чўмич ҳам мой дегани. Бироқ бу Сарсенбой фақат пахтадангина катта даромад олар экан-да, дегани эмас. У қатордаги кўплаб пешқадам қишлоқ мулкдорларидан фарқли ўлароқ бир ё икки турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эмас, йигирмадан ортиғини етиштиради. Биргина беда уруғи фермерга катта фойда келтирмоқда. Масалан, 2010 йили Сарсенбой пахтадан 54, дондан 12, чорвачиликдан 25 миллион сўм соф фойда кўрди. Тўғри, бу тарзда фойда олаётган қорақалпоқ фермерлари сафи кенгайиб бормоқда. Аммо Сарсенбой яна бир масалада отга қамчи босди: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг ўзидан 25 миллион сўм соф фойда кўрди. Фермер ўтган йили Тошкентнинг "Фарҳод" бозорида 55 тонна аъло сифатли гуручни мўътадил нархларда сотди. Фермер хўжалиги икки кўлни ижарага олган. Фермасида 200 бош қора мол, яйловда икки минг бош қўй-эчки бор. Икки тегирмон, новвойхона муттасил ишлаб турибди.



Бугунги Нукус.

Амударё туманининг Назархон овули далаларида ҳам давлатга пахта сотиш бўйича шартнома режалари сентябр ойидаёқ қисқа фурсатда ортиғи билан уддаланган, ҳосилини тўлиқ биринчи навга сотган фермерлар кўп.

Пахтачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратган мулкдор Қурбонғали Бешбоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ҳам эл ичида таниқли. Икки тарафи дарахтзор равон йўлдан фермер хўжалигига кириб борарканмиз, ўнг томонда шинам, кўркли, оқ иморатга кўзимиз тушди. Қурбонғали оға дала шийпонини ўз уйидан ҳам шинамроқ қилиб қурган экан. Шийпон олдида бир неча автомашина, теримчилар. Туман раҳбари Ражаббой Йўлдошевни ҳам шу ерда учратдик. Ҳозир Амударё туманида ўзгаришлар катта. «Азия-Силк» қўшма корхонаси бутун воҳа етиштирадиган пилланинг асосий қисмини рақобатбардош маҳсулотга айлантиряпти. Бу туманда тикилаётган пойафзал Тошкент бозорларида ҳам харидоргир.

— Бугунги иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнининг мағзи шуки, инсон ундан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан манфаатдор, — дейди Р.Йўлдошев. — Пахта йиғим-теримида шу кунгача теримчиларга 4 миллиард 805 миллион сўм иш ҳақи сифатида тарқатилди. Режадан ташқари топшириладиган пахтадан кўриладиган даромад 7,8 миллиард сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Масаланинг маънавий жиҳатлари ҳам янада юксак қувонч бахш этади.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан Анвар Йўлдошев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига муносиб деб топилиши, бошқа юртдошларимиз нуфузли мукофотларга сазовор бўлгани кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Ажиниёз шоиримизнинг халқ учун ердан бебаҳороқ бойлик йўқ, деган сатри бор. Биз ўз еримизни, ўз элимизни, ўз мамлакатимизни янада гуллаб-яшнатишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Яна дала айланамиз. Чаноқларда оппоқ дур чарақлаяпти. Бу дур ёғдуси наинки Амударё ва Тахтакўпир, балки Ақманғит ва Элликқалъа, Хўжайли ва Қораўзак, Тўрткўл ва Қангликўл, Беруний ва Чимбойда, барча туманларда, барча қишлоқларда, барча фермер хўжаликларда одамлар кўнглини ёритяпти, уларнинг оила сармоясига сармоя қўшяпти, қўша-қўша тўйлар қилишга, қўша-қўша иморатлар бунёд этишга, қўша-қўша автоуловлар харид қилишига замин яратмоқда.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**шоир**

## 21 октябр — тил байрами куни

# Муқаддас бурч

Бу дунёда азизу мукаррам этиб яратилган инсон бошқа мавжудотларга нисбатан кўпроқ туҳфага эга. Улардан бири ҳар биримиз учун она сутидек муқаддас бўлган она тилимиздир. Ҳали мурғаклик пайтимиздан бошлаб бу тилда мунис оналаримиз алласини тинглаб, тилимиз тароватини ҳис этган бўлсак не ажаб? Улғайган сайин оламни кўзимиз, онгимиз ва тилимиз орқали англай бошлаймиз. Туйғуларимизни шу тил ёрдамида ифода этамиз. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таъбири билан айтадиган бўлсак, тил — инсонийликнинг бош фазилати. Унда миллатнинг руҳи, бутунлиги намоён, орзу-умидлари мужассам.

Ҳазрат Навоий бобомиз тилимизнинг жонкуяр тарғиботчиси сифатида унинг донғини дунёга таратди. Она тилимиз довруғини асарлари орқали етти иқлимга ёйди.

Алишер Навоий она тили бойлигини шундай таърифлайди: "Тилимиз ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай бир хазинаки, ҳар бир дуру гавҳари (сўзлари) осмон ёриткичларидан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ".

Йигирма биринчи аср — ёшлар асри. Ҳаётнинг барча жабҳасида ёшлар ўз салоҳияти ва қобилиятини намоён этиб, катта ютуқларга эришмоқда. Қолаверса, билим эгаллаш, ўзлари истаган касбда ишлаш, хорижга чиқиш каби орзуларини тил ўрганиш орқали амалга оширмоқдалар. Инглиз, рус, япон, немис, француз тилларини ўрганишга бўлган қизиқишнинг кун сайин ошиб бориши қувонарли ҳол, албатта.

Юртимиз — Буюк Ипак йўлининг асосий манзилларидан бири. Шу сабабдан тил ўрганишга қизиқиш аввалдан катта бўлган. Аждодларимиз уч, тўрт тилда бемалол мулоқот юрита олганлар. Буюк алломаларимиз икки тилда асарлар ёзишган. Шу билан бирга ўз тилларига бўлган чексиз муҳаббатни ҳам сақлай билишган. Биз уларнинг ворислари сифатида тил ўрганиш зарурлигини англаб етдик. Лекин ўз тилимизга эътибор ва ҳурматимиз кучли бўлгандагина аждодларимиз маънавий меросига ҳақиқий ворис ҳисобланамиз. Тил — аждодлардан қолган бебаҳо мерос. Унга бефарқ муносабатда бўлишга ҳаққимиз йўқ. Абдулла Авлонийнинг "Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ" асарида шундай мисралар бор: "Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур".

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек тилига "давлат тили" мақоми берилгани Юртбошимиз ва халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунаси эди. Президентимиз таъкидлаганидек, эндиликда давлат тили мақомини олган "ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Герби, Мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди".

Тилдаги равон фикр — миллатнинг сўз бойлигидан далолат. Ўзбек тили пурҳикмат, доно фикр ва ифодаларга бой. Топиб айтилган ўзбекона лутфдан кўра ўктам ва қайноқ сўз бўлмаса керак. Тилимиздаги лўнда ва пишиқ иборалар эса ҳар бир кишини ҳайратга солиши шубҳасиз.

Халқимиз ривожланиш кучқудратига эга бўлган экан, унинг тили ҳам, шак-шубҳасиз, тобора равнақ топаверади. Муҳими, она тилимизга бўлган муносабат фақат қонун ва қарорларда қолиб кетмаслиги, аксинча, меҳр бўлиб жисмужонимизни эгаллаши, руҳиятимизга кўчиши лозим. Она тили ҳаёт қадар муҳим, жон қадар азиз. Уни доимо асрабавайлаш, қадрлаш, авлоддан-авлодга тўкис етказиш муқаддас бурчимиз.

**Назокат АҲМЕДОВА**

# Миллат руҳи

Тил ҳақида, унинг муҳим алоқа воситаси экани ҳақида кўп ва хўп ёзилган. "Ҳар қандай халқнинг тарихини, урф-одатларини билай десанг, аввало унинг тилини билишга урин", деган экан буюк Пифагор. Ҳақиқатан ҳам, тил ўша халқнинг, ўша миллатнинг илдизи, уриб турган юраги, томирларидаги қонига ўхшаб кетади. Ёки, машҳур кишилардан бири айтмоқчи "Тилда халқнинг бор-йўғи, унинг бутун Ватани гавдаланади. Тил халқнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагини буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айлантиргувчи энг ҳаётий, энг бой ва энг қудратли воситадир».

Шу маънода, ўзбек тилига 22 йил муқаддам (1989 йил 21 октябр) Давлат тили мақомининг берилиши халқимиз тарихининг энг унутилмас, энг гўзал саҳифаларидан бири бўлиб қолди. Зеро, мустақил юртимиз ижтимоий ва маданий ҳаётида, халқимиз маънавиятининг шаклланишида у беқиёс аҳамият касб этади. Яъни, халқимизнинг олис ўтмиши, кечаги, бугунги ва эртанги куни ҳам айнан тил воситасида намоён бўлади.

Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асарида "Айни вақтда жамиятимизда тил маданиятини ошириш борасида ҳали кўп ишлар қилишимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз зарур. Айниқса, баъзи расмий мулоқотларда ҳам адабий тил коидаларига риоя қилмаслик, фақат маълум бир ҳудуд доирасида ишлатиладиган шева элементларини қўшиб гапириш ҳолатлари учраб туриши бу масалаларнинг ҳали-ҳануз долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади", деб бежиз таъкидламаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, тилга эътиборсизлик билан қараш ҳолатлари учраб турибди. Бир вақтлар ҳар бир ном, ҳар бир атамани «ўзбекчалаштириш"га киришганимиз, бутун дунё "стадион" деб атайдиган ўйин майдонларини "ўйингоҳ", бутун дунё "аэропорт" деб атайдиган ерларни "тайёрагоҳ", "университет" ва "институт"ларни "олийгоҳ", деган сунъий ва ясама атамалар билан аташга урингинимиз ва кулгили ҳолатга тушиб қолаёзганимиз кўпчиликнинг эсида.

Ҳамма гап шундаки, жаҳон афкор оммаси бирдек қабул қилган, бирдек атайдиган, бирдек талаффуз қиладиган номлар ва атамалар кўп. "Радио", "кино", "театр", "цирк", "компютер", "интернет», "коллеж", "лицей" сингари сўзларни "ўзбекчалаштириш" шарт эмас. Агар уларнинг таржимаси ё ўзбекча муқобили бўлганда бошқа гап эди.

Бир вақтлар бир энли аризани ҳам рус тилида ёзишга, ҳужжатларни рус тилида тўлдиришга мажбур бўлгандик. Не бахтки, Истиқлол туфайли ўзбек тили юксак мақомга эга бўлди. Қадриятлар тикланди, миллий анъаналар, урф-одатлар ўзининг иккинчи умрини бошлади.

Аммо шунга қарамай, тилга менсимаслик, унга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш ҳолатлари учраб тургани сир эмас. Қайси куни пойтахтимизнинг Генерал Узоқов номли катта кўчасидан ўтиб қолдим ва айрим уйларнинг деворига "Г.Узоков кучаси" деб ёзиб қўйилган лавҳаларга кўзим тушди. Бу нима? Қисқартишми ё қаловини топишми? Ахир "Г.Узоков" дегани, "генерал-майор Муллажон Узоқов номидаги кўча" деган маънони англатмайди-ку?

Ёки, кўча-кўйда "Эшмат ота ошхонаси", "Тошмат ота ва унинг фарзандлари супермаркети", "Аҳмад ҳожи дўкони", "Хадича хола фирмаси" сингари номлар кўпайиб кетди. Хусусий қаҳвахона, ресторан, дўконлар, барларнинг номинию пештоқларидаги ёзувларини қўяверинг! "Дўмбоқ жўжалар", "Сомсанинг додаси", "Гап йўқ!", "Тонгги нур", "Шарлотта", "Чашма жамоли", "Венеция" ёки "Миссисипи" (Италиядаги шаҳар ё Америкадаги дарёнинг Тошкентдаги лағмонхонага нима алоқаси бор, ҳайронсан?), "Юлдузлар эшиги", "Зарчечак" (Нима дегани бу? Балки, "зарпечак" демоқчидир?), "Тўкин + Сочин" ва ҳоказо, ва ҳоказолар...

Тадбиркорлик яхши. Унга ҳукуматимиз томонидан кенг йўл берилган. Аммо бу ота-боболари, аммахолаларининг номини кулгили тарзда "абадийлаштириш" ёки ялтироқ, жимжимадор сўзларга ружу қўйиш мумкин деган гап эмас-да!

Ва ёки, ҳозир ҳамманинг қўлида "қўл телефони". Бу яхши. Аммо кўчаларда, бекатларда, транспорт воситаларида телефон орқали айтилаётган гап-сўзларнинг, SMSда юборилаётган хабар ва маълумотларнинг бачканалиги, куракда турмаслиги ва саводсизлиги баъзан ғашни келтиради.

Яқинда таниш бир олима аёл телефон орқали русча, ўзбекча сўзларни қалаштириб узоқ гапирди ва мен унга "Ё ўзбекча гапиринг, ё русча гапиринг!" деб танбеҳ беришга мажбур бўлдим. У негадир ранжиди. Майли, бу ўзининг иши. Аммо она тилимизни бундай ҳақоратланишини ҳис қилганида, агар жони бўлганида телефон аппарати ўзининг симига ўзини ўзи "осиб" қўярди, деган хаёлларга бордим.

Тил ижтимоий ҳодиса. Ҳеч бир халқнинг, миллатнинг тарихи, адабиёти, санъати, илм-фани, қўйингчи, турмуш тарзини усиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур тилини эсланг! Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодировларнинг она тилимиз гўзаллиги ва бетакрорлигини ўзида мужассам этган асарларини ёхуд Қодир Мирмуҳамедов ва Иброҳим Ғафуров каби устоз мутаржимлар ўзбек тилида "сайратган" машҳур китобларни кўз олдингизга келтиринг!

Ана шундай пайтларда "сариқ матбуот" саҳифаларида, "ҳомий" орқали нашриётларда чоп этилаётган айрим муаллифларнинг хом-хатала "роман" ва "қисса"лари, "шеър" ва "ҳикоя"ларини эслаб, уларда тилнинг нўноқлигини, ҳатто имло ва тиниш белгилари қоидаларига риоя қилинмаслигини кўриб хафа бўлиб кетасан киши.

Ўйлайманки, устозлар мероси ва тажрибаси ҳар бир авлод ижодкорларига ўрнак ва сабоқ бўлиб қолиши керак. Бу масалада, айниқса, бугунги ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бермоқлик, уларда она тилимизга ҳурмат, эътибор ва муҳаббат уйғотмоқлик керак, албатта. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади".

Шунинг учун ҳам, йилда бир марта давлат тили байрамини нишонлаш билан чекланмасдан, олий ўқув юртларида, коллеж, лицей, мактаб ва ҳатто болалар боғчаларида "Она тили кунлари", "Давлат тили дарслари", "Ўзбек тили соатлари" ҳам мунтазам ўтказиб турилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ўз ўрнида, фарзандларимиз юрагида Ватанга, она тилига, элга муҳаббат туйғуси илдиз отиб боришига хизмат қилади деган фикрдаман.

Шу кунларда "Давлат тили ҳақида" қонун қабул қилинган тарихий кунни муносиб нишонлаяпмиз. Бу сана асрлар оша, келажакда ҳам нишонланаверишига шубҳа йўқ. Аждод-авлодларимизнинг руҳи-поки шунга даъват этади.

**Эркин УСМОНОВ**

# Қалбимизга кўзгу

Она тили ҳар бир инсон қалбига алла билан сингиб, уни маънавий камолот сари етаклайди. Шундан бўлса керак, дунёда ўз она тилидан ғурурланмаган, ўз тилида жўшиб гапирмаган, унинг имкониятларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилмаган, бетакрор жозибасидан фахрланмаган инсон топилмаса керак. Зеро, ўз қадри ва ғururини қалбдан ҳис этган миллат ўз она тилига ҳурмат ила қарайди. Халқимиз она тилида ўзлигини намоён қила оладиган миллатлардан биридир.

Тилимизнинг луғат бойлиги жуда катта. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ўз ижодида бир ярим миллионга яқин сўзни қўллаб, ўлмас асарлар яратган. "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида эса туркий ва форсий тиллар имкониятини солиштириб, тилимизнинг улкан қудратини, бой хазинасини, сеҳри ва жозибасини кўрсатиб берган.



Ўзбек тили — Ўзбекистон Республикасининг давлат тили. Бу ҳол юртимизда яшовчи барча миллат вакилларининг ўз она тилларида эркин мулоқот қилишларига монелик қилмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш, судлов ишлари, нотариал ҳаракатларни олиб бориш, телевидение ва радиоэшиттиришлар, ноширлик фаолияти давлат тили — ўзбек тилида олиб борилади. Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг муҳрлари, тамғалари, иш қоғозларининг матнлари давлат тилида тайёрланади.

Тил жамиятнинг барча аъзоларига тенг хизмат қилади, жамият тараққиёти давомида мустаҳкамланиб боради. Шундай экан, ҳар бир шахс ўз тилига ҳурмат билан қараши лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, ўзбек тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватан ва халқига садоқат белгиси.

Тил — миллат кўзгуси. Ҳар бир инсон ўз аксини кўзгуда кўрса, миллат ўзлигини ўз она тилида намоён этади. Устоз шоиримиз Миртемир домла ёзганларидек:

**Боболардан бизга мерос эзгу тил**
**Авлодларга хазинайи бебаҳо.**
**Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил,**
**Бу дунёга бергай ҳали кўп даҳо.**

**Лазиза НОМОЗОВА,**
**Тошкент давлат Юридик институти талабаси**

Тилга эътибор — элга эътибор

# "ЧАПДАН ЎНГГАМИ, ЎНГДАН ЧАПГА?.."

Омон МУХТОР,
Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати

Ўтган аср, саводсизлик ва чала саводлиликни тугатиш устида иш олиб борилаётган давр экан. Ёши катта бир киши мактабга келибди. Муаллим унинг қўлига китоб тутқазганида нималаргадир ақли етишини билдириш учундир:

— Чапдан ўнггами, ўнгдан чапга? — деб сўраган экан.

Бизнинг авлодимиз китобни қўлига бериб, ўқинг деганингизда шундай ҳолатдаги кишиларни неча бора учратган. Буни эслашимга сабаб, бизда ёзув (алифбо) жабр чеккан соҳа. Биласиз, айрим халқларда минг йиллик алифбо ўзгармай сақланган (ана, ҳазрат Навоий айтмоқчи, Армания бунга бир мисол). Албатта, бизда ҳам Ўрхун-Энасой ёзуви асралиб, ҳозиргача давом этиб келса, гўзал иш бўлар эди. Лекин бунинг иложи йўқ. Тарихни таҳрир қилиб бўлмайди.

Қисқаси, бу кун араб алифбосида ҳам, кирилл ва лотин алифбосида ҳам бемалол ўқиб кетаверадиган кишилар бизда оз эмас. Халқимиз билимли, маърифатли халқ. Шунга қарамай, кечирасиз, йигирманчи аср тугаб, йигирма биринчи аср дадил одимлаётган айни пайтда, менда баъзан саводсизлик ва чала саводлиликни тугатиш устида иш ниҳоясига етмагандек таассурот уйғонади. Бу гапга ишонмасангиз, кўчага чиқиб қаранг, камида йигирма-ўттиз фоиз шиорлару пештахталарда хато ёзувларга кўзингиз тушади. Шу ўринда ҳақиқат юзасидан айтиш керак, ёзувларда савод даражаси анча кўтарилган, олдин бўлмаган эркин руҳ ҳам шоён кўринади.

Гоҳо ёзувлар нўноқ таржимага ўхшайди. Бир неча янги иморат пештоқида ўқловдек ҳарфлар билан: "Биз очилдик", деб ёзишганини ўқидим. "Ишга тушдик", деган маънони ўзбек тилида ким бундай ифодалайди? "Х" билан "Ҳ" ҳарфларини келтирганда кириллчада қанча хатога йўл қўйилса, лотинчада ундан ҳам кўп хатога йўл қўйиляпти. Умуман, менга "кўчадаги ёзувлар" алоҳида ўрганиладиган масала бўлиб туюлади.

Агар ижодкор сифатида мени газета-журналлар, китоблар ҳолати, адабий асар тилининг аввалдан қандай келгани-ю, бу кунги намойиши қизиқтирмаса, балки гапни узоқдан бошламасдим.

Юртимизда мустақиллик йиллари шундай катта ўзгаришлар рўй берди ва рўй бераяптики, буни фақат бадбин кишилар кўрмаслиги мумкин. Ободонлик дейсизми, равон йўллар дейсизми, билим даргоҳларида кўринган тубдан ўзгаришлар, спорт, айниқса, болалар ва ёшлар спортига, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан камол топишига кўрсатилаётган эътибор дейсизми... Санаса, саноқ етмайди! Яна муҳими, мустақил мамлакат сифатида дунё бизни таниди, биз ҳам олдин ҳеч қачон бўлмаган миқёсда дунёни таниб бораяпмиз. Бу кун дунёда юз берган эътиборга лойиқ воқеа ярим соат-бир соат ўтмай интернетга кўчади. Радио, телевидениедаги "Ахборот"дан ҳам эшитасиз. Шундай катта тараққиёт шароитида баъзи газеталаримиз оддий "хабарнома"га айланиб қолаётгандек таассуротим бор. Норасмий газеталар, ҳафталиклар, журналлар ўқувчини Бутун Дунё билан таништириб, ўтган ва ҳозирги машҳур шахслар ҳақида ҳикоялар, гоҳида тирик таниқли кишилар билан суҳбатлар бериб бораётгани яхши. Уларнинг муқоваларида аксар жаҳондаги бир кимсаларнинг катта суратлари босилаётгани ҳам майли. Бироқ уларнинг муқовасидан саҳифаларигача юрт, бунёдкор халқ қиёфаси деярли кўринмайди. Уларда негадир Ўзбекистон кам. Гапнинг исботи учун биргина мисол. "Домашний доктор" деган ҳафталик тиб бўйича фойдали маслаҳатлар, суҳбатлар бериб боради. Ўқишли нашр. Аммо шу йил ҳафталикнинг 35-сонини қўлингизга олганингиз заҳоти муқовада: "Ўзбекистон республикаси мустақиллиги куни билан табриклаймиз" деб ёзилгани-ю, Полицеймако деган қайсидир артистнинг суратини кўрасиз. Сурат остида ҳалиги "табрик"дан ҳам каттароқ ҳарфларда: "Ҳаммом менинг жон жаҳоним", деган ёзув. Бу энди оддий ҳурматга ҳам кирмайди. Умуман, ўз ерида учинчи, тўртинчи, ҳатто ўнинчи даражадаги аллабировларнинг бизнинг матбуотимизда катта-катта суратлари босилиши шартми? Биродарлар, инсоф керак! Жўн бир кроссворд, сканвордлар ҳаммаси шулар номи билан тўлган. Яна денг, мана шу кроссворд, сканвордларда: "Ленинни эслайсизми?" қабилидаги бу кун link бировга тиқиштиришнинг ўзи ортиқча саволларга кўзингиз тушади. Уларни тузганлар ҳаёт учун масъул кишиларнинг барибир кўзи тушмайди, деб ўйлашса керак-да? Бу нима, бизда муқовада сурати берилишига арзийдиган шахслар бўлмаганми? Ёки ҳозир тарғиб қилишга муносиб шахслар йўқми? Кичик бир ҳолатлар ҳам бу кунги ҳаёт зарралари эканлигини, улардан маълум тасаввур пайдо бўлишини унутмаслик керак.

Мустақиллик йиллари газета-журналлар, китоблардан тортиб ҳаётнинг ўзида ўзбек тили майдони кенгайиб, янада бой ва кўркам манзара касб этгани суюнчли. Эсланг, аслида бисотимизда бор "истиқлол", "огоҳлик", "тадбиркор", "қадрият", "заҳира", "тамаддун" сингари неча ўнлаб сўзлар олдинги даврларда буткул ишлатилмас, очиғи, ўз тилинг бойлигидан тугал фойдаланишга йўл ҳам берилмас эди. Улкан шоир акамиз Эркин Воҳидов кўпинча суҳбатларда бир гапни таъкидлайди. Буюк Алишер Навоий туркий тилдаги (бу кунги ўзбек тилидаги) ҳар бир сўз қоғозга кўчиб, адабиётда муҳрланиб қолишига ҳаракат қилган. Шу боисдан, Навоий асарларида бўлган тил кўлами кишини ҳайратга солади. Бу фикрга илова тариқасида айтсак, дунёда инсон учун, айниқса, ижодкор учун тилнинг (ҳар бир сўзнинг) рангинлиги, товланишларини ҳис этиб, баҳрамандлик туйишдан каттароқ бахт топилмайди. Тилни бекордан Она демайдилар. Унга бўйсуниш ва нима "дард"лари борлигини тушуниш билим, савод даражасига боғлиқ.

Устозлар Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода билимдон шоир бўлиш билан бирга, файласуф эканликларидан икки оғиз сўзда олам-жаҳонни кўрсатишар эди. Ғафур ака "соат капгири" деганидаёқ инсон ҳаётининг ҳаракатда ва омонат эканлиги акс этади. Шайхзода домла "қабристон фуқаролари" деганида ўтганларнинг руҳи тирик, улар ёнимизда турганлиги кўринади.

Бизнинг ёшлик пайтимиз, ўтган асрнинг эллик-етмишинчи йиллари орасида тўртта шеъри ёки биргина ҳикояси газета-журналда босилган ёш ижодкор адабий даврага ҳам, ўқувчиларга ҳам танила бошлар, номи тилга тушар эди. Тахминан Иккинчи жаҳон муҳорабасидан кейинги даврга ва ҳатто ўша эллигинчи-етмишинчи йилларга қиёслаганда дунёда тараққиёт ҳаётни неча асрларга тенг олдинга суриб юборди. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳаёт, айниқса, жуда илгарилаб кетди. Бу кун тўртта китоби чиққан, қиссалар, романлар ёзган ижодкорни ҳам баъзан адабий давранинг ўзи танийвермайди. Ўқувчи (китобхон) эса гоҳида биз таниқли деб билган ижодкорнинг ҳам номини эсламаслиги эҳтимолга яқин.

Бир томондан, газета-журналлар, китоблар кўпайгани, сафимиз тўлиб бораётгани кишини қувонтиради. Иккинчи томондан, ҳар ерда имло хатолардан тортиб жумла тузишдаги ғализликларгача дуч келиб, ўртамиёна ва ундан паст савиядаги "адабиёт" ҳаммаёқни "босиб кетиб", мезон бузилгани, ижод талаби йўқолгандек ҳолат пайдо бўлганидан озор чекасан. Ёмон жойи, бундай пайтда савияли асарлар ҳам сояда, кўринмай қолади, Адабиётда шахслар (юлдузлар) чиқмаётгандек кайфият уйғонади. Гап қуруқ бўлмасин учун мисоллар келтириш керак. Аммо бизда бўлган шарқ одобими, ўзбекчилик деймми, йўлингни тўсади. Бунинг устига, бировни хафа қилгинг келмайди. Ана, оддий мисол. Сўнгги пайтлар бир неча асарда муаллифлар "йўлка" билан "йўлак" сўзларини адаштириб, нотўғри ишлатганига кўзим тушди. Учратганимда, булар икки сўз, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ҳам аниқ ажратиб, тушунтириб берилган, дедим. Назаримда, эътирозим бировнинг кўнглига ўрнашмади. Менингча, ҳар ким ўзи ижод йўлига қадам қўйишдан олдинроқ билим, савод кераклигини ўйлаши, кейин ҳам бир умрлик меҳнат, машаққатни бўйнига олишига тўғри келади. Чапдан ўнггами, ўнгдан чапга, деб сўраган киши аҳволига тушмаган дуруст. Бу кун газета ва журнал редакцияларидан ҳам кўра кўпроқ нашриётларда саводли муҳаррир кам. Кадрлар тайёрлаш эҳтиёжи сезиляпти.

Бадиий асар тили, сўз устида ишлаш бизда минг йиллик тарихга эга. Туркий адабиёт пешвоси Кошғарий луғат тузганларидаёқ бу тўғрида мулоҳаза юритганлари шубҳасиз. Кейинчалик шеърият (назм), асосан, йигирманчи асргача икки йўналишда шаклланиб келди. Халқнинг ақли-тафаккурини ўзида йиққан, халққа хос содда тил(услуб)даги шеърият ва бу йўналишни "хаёлида тутган", аммо эгаллаган билимга, жаҳон аҳли тафаккурига ҳам суянган, сўзни "безаш"га (образли ифодага) кўпроқ эътибор берган (оҳорли, зодагонга хос, шоҳона деймизми "кийинган"), биринчи йўналишга нисбатан сал мураккаб шеърият. Албатта, бу "бўлиниш" нисбийдир. Шартли равишда Яссавий, Машраб, Турди, Муқимий сингариларни биринчи йўналишга, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Нодира ва бошқаларни иккинчи йўналишга мансуб дейишимиз мумкин. Умуман, булар иккиси "қоришиб" кетган, биргина Маҳорат мактабини ташкил этади. Дейлик, Лутфий, айниқса, Бобур шеъриятида икки услубни бир-биридан ажратиш ўлимдан қийин.

Бундай "бўлиниш" эски-қадим (йигирманчи асргача келган) насрда яққолроқ кўринади. Бири барчага тушунарли содда тил(услуб)даги наср (достонлардаги баёнлар, эртаклар, афсоналар ва уларга эргашиб ёзилган асарлар). Иккинчиси анъанавий-тарихий, аксар китоб тузиш тартиботига мос, анчайин "оро" берилган (араб ва форс тиллари таъсири сезилган), ўқиш ва тушуниш етарли билим ва саводни талаб қиладиган наср. Буларни "халқ оғзаки ижоди" ва "ёзма адабиёт" деб ҳам қараш расмга кирган. Хуллас, Адабиётга қизиққан, Сўз касбини танлаган ижодкор тарихга назар ташлашга, бу икки йўналишдан хабардор бўлишга мажбур.

Йигирманчи асрда замонавий тушунчадаги янги бир наср юзага келди. Кўпроқ ҳикоялар ва романлардан иборат бу наср ўша икки йўналиш заминида туғилган (маълум даража ҳикоятлар, ривоятлар руҳини сақлаган, шарқона-ўзбекча), шу билан бирга жаҳон насрига хос белгиларни олган эди (Ҳамза, Мирмуҳсин, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, ҳаттоки Айний домланинг "хотиротга яқин" асарлари бунга мисолдир). Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпоннинг халқ орасида шуҳрат топган (ҳамон ўқилаётган) романларидан кейин Ғафур Ғулом ҳикоя ва қиссалари, Ойбек романларида ҳам "олдинги руҳ" билан "жаҳон насри" бирлашиб кетгани, янги шаклда "ўзбекона" тил (услуб) "давом этгани" кўзга ташланади. Биз номини тилга олган сўз санъаткорларининг ҳар бирида ўзига хос "воқеани ифодалаш шакли", мактаби ҳам мавжуд эди.

Лекин тарихий шароит, дунёни эгаллаб борган тараққиёт натижасида давр ўзгара бориб, адабиёт ҳам ўзгара бошлади. Адабиётда тил ва услуб ҳам ўзгарди. Йилдан-йилга энди биз эслаган икки йўналишдан "узоқлаша" бошлангани кўринади. Устоз Абдулла Қаҳҳор тил, сўз устаси бўлгани ҳолда, унинг асарларида "давр нафаси", жаҳон насри тажрибасига кўпроқ суянилгани сезилади. Қаҳҳор "Чехов кўзойнагини қўлига олгани"ни бекордан таъкидламаганди. Бизнинг адибларимиз рус адабиётию, рус тили ва ўзбек тилига таржима қилинган асарлар орқали жаҳон адабиёти билан танишиб, улардан озми-кўпми таъсирланиб, адабиётимизда бора-бора жаҳон насрига "ўхшаш"лик кенг ўрин ола бошлади.

Қарийб бир аср давомида устозлардан сабоқ олиб, уларга эргашиб, лекин ўз сўзини айтишга ҳаракат қилиб, ўзбек насри ривожланиб борди. "Бу кун нега Қодирий ёки Чўлпон романларига ўхшаш асар йўқ?" деган эътироз баъзан қулоққа чалинади. Ўринли савол кишини чуқур ўйлантиради. Албатта, ўтган даврда баъзи адибларимиз, адабиёт эшитган, кўрган бир воқеани олиб баён этишдангина иборат эмаслигини унутиб, бир хил, рангсиз, гоҳо схематик-жонсиз асарлар "яратган" пайтлар учрайди. Ўз "илдизлари"дан узилиш етмагандек, жаҳон насрини ҳам пухта билмаслик, сиёсат таъсирида мазмун муҳим, деб шакл (санъаткорлик) бобида ўйламаслик баъзан уларга панд бергани ҳам рост. Шунга қарамай, ҳақиқатга риоя қилган маъқул. Адабиёт давр ва мураккаб жараёнлар маҳсули. У ўз вазифасини бажарди ва бажариб келаётир. Биз бу кун шахс сифатида Шарқу Ғарб орасида турганимиз, мунтазам Шарқу Ғарб баҳси гувоҳи бўлаётганимиз бир даврда адабиёт аввалги зафарларни қайтариши эмас, яна янгиланиб бораверишi қонуният.

Кейинги йиларда адабиётимиз, унинг бир бўлаги наср жиддий кўтарилиш арафасида турибди, деган тасаввурдаман. Бир томондан, ижодкор ёшлар тарбиясига кўрсатилаётган эътибор, иккинчи томондан, бу кун эълон қилинаётган яхши, таъкидлаб ўтишга лойиқ асарлар тасаввуримни кучайтиради. Ана, қўлимда икки янги асар. Шу кунлар танишдим. Истеъдодли адиб Эркин Аъзамнинг "Шовқин" романи ва ёш адиба Рисолат Ҳайдарованинг "Жавзо" романи. Эркин кичик бир ҳолатдан катта бир жаҳоний мазмунга чиқиб боради. У таниқли, тажрибали ёзувчига хос, тор доирадаги кишилар ҳаёти кўзгусида давр ва умуминсоний қадриятларга назар ташлайди. Ҳаётнинг ўзи яратган турфа қиёфалар галереясини тузади, асар қаҳрамонлари гоҳ йиғиқ, гоҳ паришон ҳолда турли муаммоларга дуч келиб, доимий ҳаракатланиб турадилар. Рисолат муайян тарихий воқеани аниқ белгилайди. Ҳусайн Бойқаро вафотидан кейин рўй берган пароканадалик тасвиридан халқимиз учун доим муҳим бўлган аҳиллик, меҳр-оқибат хусусида яхлит маъно келтириб чиқаради. Иккала асарда ҳам тил ўзбекона, жозибали.

Бадиий асар тили, насрдаги услуб ижодкор руҳиятига боғлиқ ҳодиса. Руҳият йўқ жойда услуб бўлмайди.

Руҳ бутунлигидан ёзиш маҳорати юзага келади.

Маҳоратни эса ижодкорнинг билими, савод даражаси шакллантириб боради. Аслида руҳни ҳам шакллантирадиган шудир.

Доимий ҳамроҳ




Атоқли адиб Асқад Мухторнинг "Эл-юрт керак экан одамга" (Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011) номли тўпламини қўлингизга олишингиз билан кўнглингизга илиқлик югуради. Одамга ҳамиша эл кераклиги, юртингга, халқингга озми-кўпми хизмат қилсанг бу ҳеч қачон унутилмаслиги руҳингизга қувват беради.

Қатрада қуёш, томчида денгиз акс этганидек, шоирнинг биргина гўзал шеъри унинг ижодий кўлами ҳақида тасаввур уйғотади. Қуйида тўпламдаги "Қиш баҳорга ошиқ бўлиб..." мисраси билан бошланадиган шеъри мисолида фикримизни далиллашга уринамиз.

Шоир йил фаслларини инсоний қиёфада тасвирлаб, жонлантириш санъатини қўллаб шундай гўзал бадиий топилмалар қўллайдики, ўқувчи қалбини оромбахш туйғулар чулғаб олади. Ошиқ қиш суйган баҳор гимсолида нафис туйғунинг тароватини сезади:

## ЎЧМАС САТРЛАР

**Қиш баҳорга ошиқ бўлиб қолди,**
**Юмшаб кетди совуқ вужуди.**

**Камалакдан бел боғлади осмон,**
**Табиатда тўй тараддуди.**

Камалакнинг белбоғга ўхшатилгани сингари шеърнинг ҳар мисрасида бир қиёс, бир гўзал топилма бор. Биринчи бандда бошланган ҳаракат, тараддуд банддан бандга кўчади ва шеърнинг жаранги орта боради:

**Безатилган тойчоқ сингари**
**Жилғалар кўпириб оқади.**
**Чўгирмасин қия қўндириб,**
**Нор йигитдай тоғлар боқади.**

Жилғалар тойчоққа менгзалганидан тўй овозасини эшитган болакайлар қувончи кўз олдингизга келса, чўгирмали тоғлар — нуроний қариялар тимсоли эканлигидан беихтиёр завқ туясиз. Бандлардаги ҳар бир мисрада санъат бор. Толлар, сой, даралар, турналар, қўйингчи, шеърда тилга олинган қайсики табиат унсури бўлмасин, манзара ҳосил қилади ҳамда поэтик маъно ташийди. Шеърдаги банддан бандга кўтарилиб келаётган сурурли оҳанг охирги бандда бошқача тус олади:

**Аммо баҳор бермади тутқич,**
**Ёшлигидан жуда шўх бўлди.**

**Қиш унинг кўйида ҳансираб,**
**Ишқ ўтида эриб йўқ бўлди.**

Шеърда фасллар алмашишидаги табиий ҳолат ниҳоятда гўзал ва нафис акс эттирилган. Умуман, "Қиш баҳорга ошиқ бўлиб..." шеъридаги шакл ва мазмун уйғунлиги, бадиий санъатлар Асқад Мухторнинг "Эл-юрт керак экан одамга" китобига кирган аксарият асарларга хосдир. Дид билан сараланган ушбу тўпламдаги шеърлар бадиий топилмаларга бойлиги, мушоҳадага ундаши, фикр қўзғаши билан ажралиб туради.

Китобга ёзилган Хайриддин Султоннинг "Маънавий бедорлик" сарлавҳали сўнгсўзида Асқад Мухтор ижоди, шахси, чинакам зиёлига хос ибратли фазилатлари теран очиб берилган. Дарҳақиқат, устоз адибнинг ижодий меросидан танлаб, тартиб берилган бу тўплам гўзал шеър, айтилган оҳорли фикр ҳеч қачон эскирмаслигининг намунаси ўлароқ, инсонга ҳамиша эл-юрт кераклигини яна бир бор ёдимизга солади.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ЎзМУ доценти

Жаҳон адабиёти намояндалари

# ФОЛКНЕР ОЛАМИ

Оксфорд (АҚШ) шаҳарчаси аҳолиси орасида дунёга машҳур ҳамшаҳари, ёзувчи Уильям Фолкнер ҳақида қизиқ литифалар юради. Бир кун деҳқондан харид қилган озиқ-овқатлар учун чек (ҳисоб-китоб) қоғозини оларкан, ёзувчи унинг орқасига: "Сизга тўлаш учун ҳозир пулим йўқ. Лекин бир кунмас бир кун шу қоғоздаги имзоим қарзимдан анча қимматроқ баҳоланади", деб ёзади. Ҳазил ҳазил билан, лекин бугунги кунда Фолкнернинг ҳар бир дастхати олтиндан-да қиммат. Жаҳон адабиёти тарихида Фолкнер эгаллаган ўрин мустаҳкамлигини нафақат насрий асарлари, балки мухлислари ҳузурида сўзлаган нутқлари, эссе, мактуб ва кундаликларидан иборат китобларининг катта ададларда чоп қилиниши, кўплаб тилларга таржима этилаётгани тасдиқлаб турибди.

Мичиган университети профессори Жозеф Блотнер қаламига мансуб "Уильям Фолкнер биографияси" (1984) номли йирик тадқиқотда адиб яшаб ўтган 64 йилнинг ҳар бир куни майда тафсилотларигача баён этилган. Монографияни ўқирканмиз, ундаги воқеалардан Фолкнер ҳаёти қанчалик камтарона кечганини билиб оламиз.

1924 йил Фолкнер ҳаёти ва ижодида кескин бурилиш ясаган йил бўлди. У Нью-Орлеанда "янги ижодкор авлоднинг отаси" — америка адабиётининг йирик классиги Шервуд Андерсон билан танишади. Машҳур адиб ёш Фолкнер ижоди билан қизиқиб қолади ва унга шеъриятга эмас, кўпроқ прозага эътибор қаратишни маслаҳат беради, "ҳеч нарсага ярамайдиган" шеърларини ўқиркан, унга: "Сиз узоққа борасиз. Фақат асов отни қандай жиловлаш лозим бўлса, сизни ҳам худди шундай жиловламоқ керак", дейди. Фолкнер "Мармардан ясалган фавн" номли илк шеърий тўплами муваффақият қозонмагач, ҳаётда кўпни кўрган Шервуд Андерсон ҳақ эканига ишонч ҳосил қилади ва устози маслаҳатларига кўра, прозада ёзишга астойдил киришади. Лекин у "жанубликка хос ғурур"и боис, осонликча ён беришни истамайди ва устоз Андерсонга гаров ўйнаш таклифи билан мурожаат қилади. Ҳайрон бўлган Андерсон навқирон қаламкаш шартини қабул қилишдан бошқа чора тополмайди. Қизиғи кейин бошланади. Гаров ҳазил тариқасида унутилаёзган бир пайтда Фолкнер ўзининг биринчи прозаик асари "Аскарлик мукофоти" (1926) романини ёзиб тугатади ва гаровда устозни ютган бўлиб чиқади.

Биринчи романи "Аскарлик мукофоти"да ёзувчи урушнинг даҳшатли манзараларини реал ёритар экан, ундаги "қаҳрамонлик ниқоби"ни олиб ташлайди, урушни инсон бошига тушган фалокат сифатида тасвирлайди. "Уруш, аслида, бу Чикагодаги кушхоналардир. Фарқи шундаки, урушда гўшт ерга кўмилади", деб ёзади у. Қаҳр-ғазабга тўла бу сўзлар урушдан кейинги авлоднинг ҳаёт маслагига айланди.

1930 йили "Форум" журналининг саволларига жавоб беракан, Фолкнер ижод йўли ҳақида шундай дейди: "Шервуд Андерсон исмли одамни учратганимдан сўнг ўзимга: "Роман ёзсам қандай бўларкин?... Шунда балки ишлашга ҳам ҳожат қолмас", дея савол бердим. Айтилдими, демак, бажариш шарт. "Аскарлик мукофоти" ёзилди. "Шовқин ва ғазаб" (1929) ёзилди. "Августдаги ёғду" (1932) ёзилди. Рўйхатни яна давом эттиришим мумкин: "Мен ўлаётганимда" романини 1930 йили ёздим. "Абсалом, Абсалом!" 1936 йили ёзилди. "Қишлоқ" 1940 йили ёзилди. "Мусо, ерга туш" 1942 йил ёзилди. "Роҳибага ўқилган мотам куйи" 1951 йили ёзилди. "Шаҳар" 1957 йили ёзилди. "Қўрғон" 1959 йили ёзилди. Айтилдими, демак, ёзилди". Бу адибнинг ҳазили, албатта. У жуда кўп ишлади, тинмасдан ёзиш уни ҳолдан тойдирди. Ёзув машинкаси эрта тонгдан ярим тунгача тақиллларди. Адиб бутун ижоди давомида ёзувчи истеъдодининг 99 фоизи меҳнатдан иборат бўлиши лозим, деган ҳикматга амал қилди.

Фолкнер ўз ижодида меҳр-муҳаббат ва нафрат туйғулари бирбирини асло инкор этмаслигини исботлади. Ёзувчининг сўзи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча қатламларга хос бўлган иллатларга қарши қаратилди: хоҳ у кибру ҳавоси баланд олий табақа бўлсин, хоҳ саводсиз, реал дунёни тушунмайдиган содда деҳқон бўлсин. Ирқий устунлик назариясини қораларкан, адиб ирқий айирмачилик фожеасини кўрсата олди, амалдорларнинг иккиюзламачилигини, диний хурофот, мутаассибликни фош этди: "Шаҳарда турли авлиёлар номидаги бешта черков бор, лекин болакайлар қичқириб, шодон ва беғам ўйнайдиган, кариялар эса ўтириб уларнинг шўхликларини кузатадиган бир парча бўш ер йўқ... Жанубимиз аччиқ қисматга йўлиққан", деб ёзади у.



Адиб Россиядаги октябр тўнтаришини қабул қилмади. Бир гуруҳ америкалик ёзувчилар делегацияси таркибида совет иттифоқига боришни таклиф этишганди, у бу таклифни ҳам рад этди. Кейинчалик бунинг сабабини у қуйидагича изоҳлайди: "Россиянинг маънавий-руҳий ўзанини бузган, Толстой, Достоевский, Чехов идеалларини буткул унутиб юборган, ўз халқига хоинлик қилган тузум ҳукмрон бўлган мамлакатга бормасликни афзал кўрдим".

Юқорида айтганимиздек, Фолкнер ижоди тинимсиз баҳс-мунозараларга, шиддатли тортишувларга сабаб бўлган. Танқидчилар фурсатни бой бермай, унинг ҳар бир янги асарига танқидий (ижобий фикрлар камдан-кам учрарди) муносабатини билдириш га ошиқишарди. Шунга қарамай, адиб борган сари АҚШда ҳам, Европада ҳам танила бошлайди, ёзувчи деган улуғ номга мушарраф бўлади. Бироқ камбағаллик ҳам ўз таъсирини ўтказарди: нашриётлар тўлаётган қалам ҳақи, китобларининг сотилишидан келиб турувчи фоизлар оилани тебратишга етмасди. У ишлаб топган пуллар эса олинган қарзлардан қутулишга аранг етарди.

Аммо ўшандай шароитда Фолкнерга Голливуд қизиқиб қолади. Америка учун Голливуд нимани англатиши барчага аён. Бу Тинч океани соҳилларида, "фаришталар макони" аталмиш Лос-Анжелес яқинида қад ростлаган оддий шаҳарча эмас. Голливуд — чексиз имкониятлар, мислсиз муваффақиятлар, эртакнамо ҳаёт, яшин тезлигида эришиладиган шуҳрат тимсоли.

Голливудга қадам қўйганида Фолкнерга дабдурустдан: "Биз Сизда ёркин индивидуаллик борлиги учун бу ерга таклиф қилдик, лекин иш жараёнида бу хислатингизни унутишингиз талаб этилади", дейишади. Бундай сурбетлик, ижодга иштиёқни сўндирадиган талабни эшитиб, ёзувчи ўзини бир қадар йўқотиб қўяди. Асарларидан бири асосида сценарий ёзишни эндигина бошлаганида эса ундан ўша пайтда донғи чиққан актриса Жон Кроуфорд ўйнайдиган ролни сценарийга киритишни талаб қилишади. Муаллиф энсаси қотиб: "Ҳикояда аёл образи йўқ-ку", деган эътирозига, "Йўқ бўлса, бўлдирасиз", деган қатъий жавоб олади.

Начора, Фолкнер учун пул ҳар қачонгидан кўра зарур эди: отаси тўсатдан вафот этиб, катта оиланинг барча ғам-ташвиши унинг зиммасига тушган, у тўнғич фарзанд, устига-устак ўзининг ҳам оиласи бор эди. Мусибат эшик қоқиб келмайди, деб бежиз айтишмаган. Шу орада оиланинг кенжаси Дин авиаҳалокат қурбони бўлади. Гўё бу кўргуликлар адиб романларидаги фожиали воқеаларни такрорларди. Ночор аҳволга тушиб қолган оилани ҳам моддий ва маънавий кўмаксиз қолдириб бўлмасди. Шу боис, маълум вақт Фолкнер мардикор ёзувчига айланди. У нима қилаётгани, қай тарафга бораётганини яхши биларди. Чунончи, адибнинг кундалигида шундай аччиқ ва аламли сатрлар бор: "Калифорния чегарасига: "Бу ерга кирмоқчи бўлган инсон ўз орзуларини унутсин", деган сўзлар ёзилган тахтачали устун ўрнатиш керак".

Нима бўлганда ҳам, ёзувчи китобхонлар эътиборидан қолмади, аксига унинг шахсига ва романларига қизиқиш орта борди. Дастлаб, Франция адибни Фахрий легион ордени билан тақдирлади. Ватани Америкада ҳам унга муносабат ижобий томонга ўзгарди. АҚШ санъати ва адабиёти институти, Адабиёт академияси ҳам уни фахрий аъзоликка сайлади. Кейин бадиий адабиётда энг яхши роман деб топилган "Шовқин ва ғазаб" асари Миллий мукофотга сазовор бўлди. 1947 йил Фолкнер учун катта қувонч келтирди: Швециянинг нуфузли газеталаридан бирида мухбир бўлиб ишлайдиган яқин дўсти Фолкнерга уни лауреатлик дипломи ва мўмайгина пул кутаётгани ҳақидаги хушхабарни етказди. Нобел қўмитаси эълон қилган расмий ахборотда: "Ҳозирги давр америка романи ривожига улкан ҳисса қўшгани учун", деган ёзувлар бор эди. 1950 йил декабр ойида Швеция қироли Густав-Адольф Фолкнернинг кўксига Нобел медалини тақиб қўйди. Кейин расмий қабул маросими бўлиб ўтди ва нутқ сўзланди. Ўша куни Швеция Фанлар академиясининг ҳашаматли залида иштирок этганлар Фолкнернинг овози базўр эшитилганидан ажабланган бўлсалар-да, эртаси куни газеталарда чоп этилган адиб маърузаси уларда катта таассурот қолдирганини эслашади...

1960 йил 11 февралда жаҳон ахборот агентликлари Парижда содир бўлган автомобил ҳалокатида машҳур ёзувчи, "Ғарбнинг исёнкор виждони" Албер Камю вафот этгани ҳақида хабар тарқатди. Камю билан бирга Фолкнер қалбининг бир бўлаги кетди. "Нувель ревю Франс" газетасининг махсус сонида босилган мактубида Фолкнер: "У тиним билмай изланган ва ўз-ўзини сўроққа тутадиган қалб соҳиби эди. Машинаси дарахтга бориб урилган чоғда ҳам у изланаётган ва ўзидан жавоб талаб қилаётганди, албатта. Ўша кўз очиб юмгунча содир бўлган, эс-ҳушни оғдирган ҳайратомуз лаҳзада у кутган жавобини тополмадимикан?", деб ёзди.

1961 йилнинг 2 июли ҳам адибга яна бир зарба олиб келди. Айдахо штати, Кетчум шаҳридаги уйида машҳур адиб Эрнест Хемингуэй оламдан бевақт кўз юмди. Фолкнернинг қадрдон дўсти, бир неча авлод онгида, тасаввурида адабиёт соҳасида унинг рақиби бўлиб кўринган Эрнест Хемингуэй энди унга ҳеч қачон ярим чин, ярим ҳазил хатлар юборолмасди. Бу жудолик ҳам унинг қалбига оғир ботди. Ёзувчи кундалигида: "Сўрама жом ким учун чалинаётир деб, у сен учун чалинаётир", деган ёзувни ўқиймиз.

Бу икки фожиали ўлим орасида Фолкнер онасидан айрилди. Онасининг дафн маросимида у дабдурустдан укасига қараб: "Менга ҳам оз қолди", дейди.

Охирги йилларда Фолкнер деярли ёзмади. Дўстларига кўнглидагини яширмай: "Ёнмаяпман. Агар "ёниб" қолсам, албатта, машинкага ўтираман", дейди. Демак, у илҳом қачонлардир қайтиб келишига чин юракдан ишонган. Эҳтимол, айтмоқчи бўлганини айтиб, ёзмоқчи бўлганини ёзиб бўлгандир...

1962 йил 17 июн куни Фолкнер отдан йиқилиб тушади. Умуртқасида кучли оғриқ сезсада, чидаб юради. 5 июл куни уни касалхонага ётқизадилар. Одатдагидек текширишлар, тиббий кўриклар бошланади. Орадан бир кун ўтиб, туш маҳали адиб юраги уришдан тўхтади — 64 йил, 9 ой ва 11 кун давом этган матонатли умр якун топди.

Испаниялик машҳур ёзувчи Мигел де Унамуно Сервантес яратган Дон-Кихот образига таъриф бериб: "Агар дунёда чанг-тўзон кўтарилса, андиша, виждон, эзгусаховат, ғамхўрлик кўкка совурилса, агар худбинлик ҳисси нафсоният кўзни қамаштирса, жаҳолат гирдобига тушиб қолган одамлар шахсий манфаат учун бир-бирининг жонига қасд қилишга шай бўлса Дон-Кихотларча — тишни тишга қўйиб маънавиятни, ахлоқ-одобни, инсоний фазилатларни сақлаб қолишга, ғалаба қозонишга, умид билан барчасини ҳимоя қилишга тўғри келади", деб ёзган эди.

Фикримизча, Фолкнер XX асрнинг охирги Дон-Кихотларидан эди. Кундалигида у: "Одам умрининг боқийлиги шундаки, енгиб ўтишига кўзи етмайдиган фожиалар билан тўқнашганда ҳам у барибир бу ишни уддалашга ҳаракат қилади", деб ёзади.

Фолкнер ҳаётлигида машҳурликка бепарво қараган эди. Дунёга ёйилган шуҳрати ҳақида гап очилганда, унинг ҳатто ғазаби қайнарди. Вафотидан кейинги шон-шуҳрати ҳақида эса ўйламасди ҳам. Адибнинг ягона бир орзуси бор эди: "Тасаввур қилинг, умрбод унутилиб, мангу уйқу пардаси ортидан йўқ бўлиб кетаркан, одам ўзидан кейин бирон нарса — хоҳ у ёдда қолувчи бир хотира, хоҳ сурат бўлсин — нимадир қолдириб кетади. Ижодкордан ёзган асарлари қолади. Ана шу ёзувчи ҳаётининг изи. Гарчи қаламкаш ҳаётдан кўз юмиб, мангуликка кетганида ҳам, кимдир унинг шу заминда, одамлар орасида яшаганини ёдга олади".

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

Амирқул КАРИМ

# ОЛАМНИНГ ЭНГ ШИРИН НЕЪМАТИ



## ЎЗБЕКИСТОН

Шафақлар ол — яхши кундан нишона,
Ажиб толеъ — ажинсиз бир пешона,
Мен руҳимнинг бешигига парвона,
Субҳидаминг жонсизларга берар жон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Инсонларинг кўнглида минг дунё бор,
Жонга пайванд Аму ва Сир дарё бор,
Туналарингда ҳатто ёруғ зиё бор,
Ўчмас шамдек қуёш мангу меҳрибон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Ватан, десам томиримда қон жўшар,
Меҳринг билан дилимда вулқон жўшар,
Ҳумо қуши дил осмонимда учар,
Удир мангу ҳаётимга соябон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Сенда топдим ризқу рўзим, нонимни,
Шарафлардан сарбаланд бу шонимни,
Тарозуга қўяйми, айт, жонимни,
Сенинг севгинг қурмиш дилимга макон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Субҳидаминг жонсизларга берар жон,
Ўчмас олов қуёш мангу меҳрибон,
Удир мангу ҳаётимга соябон,
Сенинг севгинг қурмиш дилимга макон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон!

## ТИНЧЛИК

Оламнинг энг ширин неъмати,
Бағрида унади гул — шуур,
У бир соз эрурки, жўрида
Умрлар қўшиғи айтилур.

Идроку юракнинг кўкидан
Сен она заминга бўйлагин.
Тинчлик — бу мунаввар ҳаётнинг
Ўзига ярашган кўйлаги.

## ОТАХАРРОТ

Балиққа нон бердим Отахарротда,
Кўлида оққушлар сузиб юрибди.
Ҳаловатни топдим, ахийри десам,
Бир дилбар кўнглимни бузиб турибди.

Ойнинг ўроғими, қошининг ёйи?
Кўзлари юлдуздек кулиб турибди.
Бир боқиб бардошдан сабр тиладим,
Демасин, бу ўзи ўлиб турибди.

Каломга келмасдан лол эди тилим,
Кўнглимнинг гуллари сўлиб турибди.
Кибридан туйғуми ёки зардобга
Дилимнинг косаси тўлиб турибди.

Гўрўғли ёдини қилиб, юртимга
Юзини бурдим мен елқанот отнинг:
"Қандоқ унутаман бу гўзални ман,
Қандоқ унутаман Отахарротни?!.."

## ШУКРОНА

Олам қайда эди худо бўлмаса,
Ер ҳовуч тупроқдан жудо бўлмаса,
Одам қайда эди бўлмаса тангрим?!
Болам қайда эди худо бўлмаса?!

Жаннат интиҳоли — йўл қайда эди,
Қайда эдию ўнг, сўл қайда эди?
Падарим, волидам қалбида меҳр,
Пешонам силаган қўл қайда эди?!

Ҳавосиз яратса оламни илоҳ,
Момосиз яратса одамни илоҳ,
Вақт ўзи қадрсиз ўтиб борарди,
Ўтмиш келажакни ютиб борарди.

Ҳақ, миллат, ёр ишқи — гурлаган кўнглим,
Акам, деб бўйнимга осилган синглим,
Димоқни яйратган чечаклар, ҳурлар,
Сув, само, кўзларни қувнатган гуллар.

Менга ватан бўлган кошонам Турон,
Умрим машъаласи — ул мажид Қуръон.
Ҳаёт қайда эди худо бўлмаса,
Нажот қайда эди бўлмаса имон?!

Умидим — васлидур, беҳисоб шукрим,
Паноҳда асраса, ўзи қўлласа...
Ўзидан ўзига боролмам қайтиб,
Ўзидан имдоду нидо бўлмаса.

Одам қайда эди худо бўлмаса,
Ер ҳовуч тупроқдан жудо бўлмаса,
Одам қайда эди бўлмаса тангрим,
Болам қайда эди худо бўлмаса?!

## ЭЛЛИКҚАЛЪА

Бу ерда эски тут, толлар қолмаган,
Ўттиздан ошмаган ҳатто чинорлар.
Кўзи ёш дарахтлар тарих кўрмаган,
Не-да етиб келган қадим минорлар.

Бир далил изласанг фикринг занжири,
Агар ожиз бўлса тополмай ҳалқа.
Бу миллат тарихин ҳимоя қилиб,
Қаршингта чиқади элликта қалъа!

Гарчи қадим юртлар дунёда бисёр,
Аёндир гоҳ ёзув, япроқнинг тили.
Темир, тош сўзласа гўдакдек аҳён,
Бу ерда бийрондир тупроқнинг тили!

## МУДДАО

Атиргулнинг атримас асло,
Севдим далагулнинг бўйини.
Оламдаги барча рақслардан
Менга ёқди сўзлар ўйини.

Осмон менга кўринди яқин,
Телба қилди сувда ой акси.
Бўзтўрғайнинг энтикишидан
Шаклланган балки бу шахсим.

Жисмим тупроқ, кўнглимдир япроқ,
Балки дарахт ишқ ичган руҳим...
Менга жаннат таъмаси эмас,
Васлингизнинг умиди муҳим...

Наргиза АСАД

# ДАРАХТЛАР СОЧАДИ ОЛТИН ТАНГАСИН



## КУЗ

Болалардек қушлар ошиқар
Мафтун бўлиб борлиқ кўйига.
Барча бирдек таклиф этилар
Боғ тўрида кузнинг тўйига.

Хизматига белин боғлаган
Шамол боғнинг сирдош янгаси.
Куз устидан сахий дарахтлар
Сочишади олтин тангасин.

Ширинсухан ҳусайни узум
Остонада мезбонлик қилар.
Ўйга ботган омонат япроқ
Мевасининг бошини силар...

Боғда сойлар — куёв жўралар,
Ҳосилтўйда ўйнашар тўйиб.
Тин олади олма дарахти —
Меваларин узатиб қўйиб...

* * *

КУЗ — оқ-қора умримнинг
рангин тушлари.

* * *

Шалаббо тонг
дирдираган боғ.
Нима кийсам экан
эгнимга бугун —
шунчаки ўйлайман
шунчаки.
Ишхона.
Судралаётган вақт
даврада навбат бермайди ғийбат.
Кимдан ортиқ,
мен етмаган бахт
шунчаки тинглайман
шунчаки.
Оқшом. Кўча. Хиёбон.
Шунчаки дунёни
унуттан икков
... Соҳира туйғулар
қачондир қолган
энтикиб эслайман
энтикиб!..

## ДУГОНАМГА

Қошларинг ўсибди... теролмадингми?
Олча гулларидек оппоқ хаёлим.
Базмларга чорлашди, келолмадингми?
Рўзғорни бахт билган азиз аёлим.

* * *

Дарахт обдон оро берди ўзига,
Бармоғига қўйди ясама тирноқ.
Кўкламнинг одатин унуттан кўйи
Энди бармоқларда бошланди титроқ.

Баҳодир ҚОБУЛ

# ОЙБУЛОҚ, ОЙНАБУЛОҚ

Ҳикоя



Ойнабулоқ Ойқорнинг шундоқ кўзи остидаги булоқ. Яна бир оти Ойбулоқ. Биров Ойқортоққа қовуш қўйилган деса, бошқалар худди кўргандек, ой ҳар оқшом шу булоққа тушиб кетади дейишади. Бу ерда ўзи одамларнинг ҳам, жойларнинг ҳам оти битта эмас. Бир бўлак одам булоқнинг "Пахтакор" стадионининг ярмича келадиган кўзи, ҳовузининг кунчиқар бетини фақат оқ тошлар ярим ой шаклида, кунботарини қора тошлар худди шундай ўраб олгани учун Ойбулоқ қўйилган дейишади. Тошлар катта-кичик. Айиқдай келадиганиям, қўзидайгина чиқадиганиям бор. Оқи қорасига қўшилиб кетмаган. Саноқсиз баҳайбат арчалар булоқнинг бош томонига эга чиққан. Икки елкасидан тошлар тушиб келган. Энишга йўл топган сув тошларни бўлиб туради. Буларни ўзим ҳам кўрганман. Элнинг эшитгани, билгани, ишонгани шуки, Ойнабулоққа ёлғиз бормайдилар. Ойнадай кўринармиш. Шунинг учун яқин йўламайдилар, тийиладилар. Билгандан билмаган тинч дейдилар. Кўп билса, кўтариш оғирмиш. Бу гапларнинг ярми Энамнинг, ярми Мардоннинг гапи. Элнинг ичидаги айтолмаганини қичқириб айтувчи Мардон тентакнинг гапи. У чин айтади. "Умр ҳам ўзи икки кўзингга ёзилган аслида. Ойнасига ё булоғига. Ойнасига тишинг ўтса ойнасига, булоғини ўқий олсанг булоғига қара", дейди Мардон қайси даврада Ойнабулоқ ҳақида гап борса, йўқ ердан бирдан пайдо бўлиб.

* * *

— Дўлананиям пишгани қўймай, элнинг ризқини қиясан, эртага болангга бир нарса бўлса, бунисн қаердан келди, кимга нима қилувдим деганча кўчама-кўча кўзинг сув сепиб юрасан-да, — дейди Мардон бўйи баробар икки қоп дўланани бозор ўртасида ғўддайиб сотаётган ўрмон қоровулига. — Шу нағмангни Тоғбеги биладими? Ҳе туришлар бошқача. Нима амалинг бор ўзи?

— Давлатнинг плани бор.

— Топган гапинг шу бўлдими? Ҳаром-харишинггаям давлатнинг отини бир қўшиб ол. Бу қилиғингни бошқа кўрмайин. Чачратғига ўхшамай тарқат. — Мардон шундай деганча яқинда иш бошлаган қоровул билан гаплашишни ўзига эп кўрмай гапни калта қилиб, таёғи билан қопларни кўрсатади, кейин таёғини ҳаволатиб сермаб, секин елкасига қўндиради.

Рўпарадагининг кимлигини билгач, довдираган ўрмончи гапини тўғрилаган бўлади.

— Э! Эсим қурисин. Тўғри айтасиз.

Ўрмончининг хаёли ҳар жойларга қочади. Дўмдан хўп деб қутилса, мелиса билан келишса бўлар. Лекин Мардон на кўнади, на қайтади. Ким бўлсаям, айтганини бир қилмай кўрсин. Эҳ-е, худо урган шу бўлади.

Сачратқи деб биров ўлиб-тирилиб эккан экиннинг ўртасида бир кечада одам бўйи бўлиб ўсиб чиқадиган, гардишини миҳлай-миҳлай нишлар ўраган, кўзлари тасрайган тиконга айтилади. "Чачратғига ўхшамай тарқат!" Мардон кетиши билан ўрмончи овоз чиқаради:

— Эл оғиз! Кеб қолинг, эл оғиз!

Эл оғиз — ким нимадан тирикчилик қилса, қўлига кирганидан кўнглидан чиққанини элга тарқатиши. Элнинг оғзи тегсин, дуо қилсин, ишининг ривожини, касби-корининг баракасини берсин, дегани. Яримта донда қирқ жоннинг ризқи бор, дейишади.

Бозордан чиқаётганлар ҳам орқасига қайтиб, эринмай дўланага навбатга туради. Бировнинг ёрдами билан эшагига эндигина зўрға минган мулла, йўқ жойда кифоя муллаям уловидан ирғиб тушиб, қатордан қолмайди. Гап тополмаганидан, "Йилда бир марта дўланага тўйса, одамни мияси бутун бўлади", дейди биров сўраса-сўрамаса, қопларнинг бир униси-бир бунисига қараркан.

* * *

Подачидан пошшо чиқса элни ё қашқатаёқ ё кўтарам қилади. Қашқатаёқ — таёқ емаса, гап эшитмаса юрмайдиган, ишга қўли бормайдиган, кўтарам деб эса таёқ есаям, гап эшитсаям берсанг — ейман, урсанг — ўламан дегандай бўзраядиганларга айтадилар. Камига "Подачи зотини ғайрати пода қайтарда келармиш", дейди эл истеҳзо билан. Қишлоқнинг гаплари ўзи шунақа. Ким айтганини, кимдан чиққанини, ким тўқиганини ҳеч ким билмасада, бу гапларни ҳамма билади. Подачининг кучи кўп, вақти давронида тўрт яшар ҳўкиз — жувонани думидан ушлаб тўхтатиб турган, бир силтаб йиқитиб қўйган дейишади. Шу қилиғи билан ном чиқарган бизнинг подачи. Қўлидан келгани шу бўлган.

Шундай қилиб, ини тайин бултурги қалдирғочлар тухум очиб, боласининг оёғига отнинг ёлидан боғлаб, тушиб кетмаслик чорасини кўришлари билан қатала* мавсуми бошланади. Подачи ўзига ўзи қонун чиқарган. Шох қўшганларнинг болалари подага қатала теккан, куйикка келган маҳалида иккита-иккита бўлиб ёрдамга чиқиши керакмиш. Югур подачига етимликка. Ё тавбангдан, Занги бобо-ей.

Қишлоқ ноилож рози бўлган.

— Бир вақтлар подачилик жонталош эди. Энди бўлса кўтар-кўтар, ким яхши — подачи яхши. Дунёда буқаталаб ғунажин билан эрига жавоб берган хотинни қайтариш мумкин эмас.

Бу қишлоқнинг тентаги номини олган Мардоннинг гапи. Унинг гаплари шундай бурама-сурама. Чаппа-чуппа. Кўртугун қилиб гапиради. Лекин чин айтади. Тушунса-тушунмаса Мардоннинг гапини биров номаъқул демаган. Деёлмаган, демайдиям. Унинг оти ўзи билан — Мардон тентак! У ҳар жойда гапнинг бўларини айтади. Тўй-маракадаям, бошқа йиғиндаям шу. Қайси йили биров қаердандир кўриб келиб катта-куттани, раис-паис, пулдор-моллорга алоҳида хонада ош беришни бошлаганда Мардон бу тўдага "ювғучиси бўлак" деган от қўйган. Амалдори амалдан кетиб, бойваччаси пулдан ажраб, эски чориғини судраганда, яна эл ошида элга қўшилиб ўтирганларни бирда тўдалаб тузлаган. Туз емаган жойи қолмаган. Элбошини чақириб, қаватига тўй эгасини тикка қилиб: "Зўр экансан "ювғучиси бўлакларга" бошқа қозон осасан, одам айириб ош берадиган сендай элбошиниям, тўйчиниям тезроқ худой кўтарсин", деган. Қолган гапларни айтса уят бўлади. Ўшанда ошни қозон-позони билан Самарқанддаги етимхонага олиб кетаман, деб туриб олган ҳам шу Мардон. Шу-шу эл қадимгидек ошини эл бўлиб ейди. Гап келиб қолганда "Шу тентакниям борига шукур. Битта ўзи шунақаям керакки", дейишади унинг отини тутмай. Мардоннинг бўлари шу эмиш. Манглайига шундай ёзилган эмиш. Тегмаганга тегмасмиш, теккан ё ўлиб, ё қочиб қутилармиш. Энам айтган.

Хуллас, буқага кўз сузган ғунажин подачининг таёғидан қўрқмайди. Еру-осмонга сиғмаган сигиру беўхшов шаталоқ отиб, ирғишловчи ғунажинлар куйиги босилгач бир ювош бўладики, қўяверасиз. Бузоқнинг ҳақи бузоққа дегандек, қаторасига икки йил қуруқдан қуруққа ҳўкиз етаклаб бузоқ бермаган сигирни пушти куйган дейишади. Этли бўлса бир нави, корини тўйнинг қассоби қилади. Ёки бозори келса, кун ёришмай сўраганига бериб қутилишади. Кун ёришса сут юрмаган, қўл тегмаган елинни билган билади. Эрта-кечи мактабнинг доскаю партаси ўртасида ўтган бўш-баёв Омон муаллим эса буни билмайди. Ҳамишаги қисир сигирни етаклаган ўқитувчининг қўлидаги арқонни кўрган борки, кўнгли совумаслиги учун "яхши нархга олибсиз" дейдию гапни қисқа қилади. Сигирнинг обрўйи елинида. Соғимчи қўли тегмаган елинда барака бўлмайди.

Нари-бериси бир ойга борадиган куйикиш мавсуми шундай бесаранжом ўтади. На ўспиринлар тинади, на қатала теккан моллар. Ўтган йили Энам подачига ёрдамга чиқишимга рухсат бермагандилар. Бу йил тегмади. Ўзи юборди: ўнга кирдинг — сонга кирдинг, деган машойихлар, дедилар бир парча оқ латтани чап елкамдан ошириб ўнг қўлтиғим остидан боғларканлар. Боринг болажон, тоғ-тош ҳам бир кўрсин.

Навбатга жўрам Нафас иккимиз чиқдик. Подачи подани тикон ҳам тиккаймаган Тошкамарга қамаб, камар оғзига ўзи ёнбошлаб, бирор молни қишлоққа кетиб қолишига қўймай ўзича мол боққан бўлади. Тўғриси, бу маҳал моллар ўтламайдиям. Азалдан зот кўрган, эси бор эгалар эрта саҳар ва кеч салқинида молларига егулик ташлашади.

Вақт пешинга яқинлашганда подачининг сув ичгиси келиб қолди.

— Юрак куйиб кетди. Муздайидан ичайлик, — деганча қўлимга устига кандирдан тўн тикилган елим идишни берди. Ойнабулоқ тарафни кўрсатди.

Ҳайрон бўлиб қарагандим, "орқангдан бораман" деди. Кейин қўшиб қўйди: "Ҳозир айиқлар сувга тушмайди".

Ойнабулоқни аввал ҳам кўрганман. Отарга қўй қўшгани, қўзи ажратгани, қўй қирқимга келганда борганман. Ёнидан ўтиб, сув ичганмиз. Энамнинг эртакларидаги кийик сувини ичиб кийик, бўри сувини ичиб бўри, илон сувини ичиб илон бўлиб қолган тошларни, жоду билан маликадан дарахтга айланганларни таниб, кўзим билан кўрганимни Энамга айтиб берганман, керак бўлса. Одамлар яна булоқ бошида айиқлар кўп дейишиб бир-бирини қўрқитишади. Бироқ кўрмаганман. Қўрқинчлиси бу эмас. Қўрқинчлиси у ерда қуёш йўқ. Қоп-қоронғу. Талтайган йигирма чоғли қадим қора арча, тарвайган сон-саноқсиз ёнғоқлар, кўзининг ҳисоби йўқ каттадан катта булоқ, булоқнинг вақ-вақлаб қайнаб туриши, отини биров билмайдиган қушлар чуғури остидаги сув ҳақиқатан ҳам муздек бўлади. Қишда кўрганимни айтсам, ёлғончи бола экан дейсиз. Булоқнинг бетидан ҳар замон-ҳар замон бир қозон-бир қозон буғ буралиб-буралиб кўтарилади. Чинорларнинг томирлари панжаларини ерга тираб энди ўрнидан тураётган баҳодирларга ва арчаларнинг томирлари оппоқ бўлиб шамолда ўйнаётган узун соқолга ўхшайди. Майда томирлар тошларни қучоқлаган, уларга музлар осилган, қорлар ёпишган бўлади. Катта қорда соч-соқолини муз босган чўпонга ўхшайди.

Булоқ бошига дадил бордим. Бир чизиқ нур, ёруғлик осмондан тушади. Шарпасидан шошиб, салом дедим. Уям ўзини ўнглаб салом берган бўлди. Салом берганини сув бети жимирлаб, ялтираб кулганидан билдим. Аъзаму шаън овози, ёруғлик овози келди. Кўнглимни бўшатиб, илкис, йиғлатиб қўйди. Ёруғлик ва Қоронғулик, Нур ва Зулмат орасида турганлигимни илкис сездим. Олинда Нур, ўнгда-да Нур... сўлда-да Нур. Булоқ қайнаб кулади.

Кейин бошқатдан, шошмасдан:

— Салом Ёруғлик, — дедим Энамга ўхшагим келиб. Ёруғлик қўлини, йўқ қиличини сермаб салом берган, алик олган бўлди.

Нур бир қилич бўлиб кўринди, бир қалам бўлиб кўринди.

Кейин, кейин сон-саноқсиз ялтироқ найзалар сояларни азот тешиб, чақмоқдай келиб булоқ бошига бош уради. Ундан ҳовуз ялтиллаб, ёришиб кетади. Ойнадек. Ундан дарахт остлари ёришади.

Ёруғлик билан биринчи бўлиб эндигина тил чиқарган барглар ўйнашадилар. Ҳансираб қолган катта-катта барглар эса бу тилсиз эзгу гурунгта қўшилишниям, қўшилмасликниям билмай қоладилар. Бири ёруғликнинг бўйнига, бири қўлига, бири бетига тегажоғлик қиладилар. Ёруғлик уларга қўл теккизмасликка ҳаракат қилади. Сув уларнинг ўйинидан кулади. Вақирлаб-вақирлаб. Худди Энам қараб тургандек ҳеч нарсадан қўрқмадим. Салом берганимни, алик олганини насиб бўлса, Энамга бориб айтаман.

Биринчи ўзим сув ичиб олиб, кейин идишни тўлдирмоқчи бўлиб оғзимни сувга қўяман. Мендан икки қадам нарига бир соя келиб уям энгашади. Мен уни чўпон деб хаёл қиламан. Сувга тўйиб чўпонга қарасам чўпон эмас экан. Айиқча. Сув ичаяпти.

Юрагимга қон жовдираб келди. Ортимда, ёнверимда саноқсиз қувватдош нигоҳлар шай турганини ичим сезди. Уларга қарамаслигим кераклигини ҳис этдим. Полвон пўстакдан пўстин, бошига боплаб қулоқчин кийиб олган боладай кўринади кўзимга. Қараб қолдим.

Шунда бирдан қўрққим келади-ю, кетади. Қўрқмайман. Тамом-вассалом. Энам айтганлар-ку, ҳамма касофат одамнинг ўзидан чиқади, тегмаса илон ҳам тегмайди деб. Лекин серрайганча қараб турувдим, у ҳам олдинги оёқларини кўтариб, одамдай тик туриб, узилишиб кетган қариндошдек нима қиларини, қаерга келганини билмай, қўлларини қаерга қўйишни тополмай қараб турарди. Қўллари худди менинг қўлларимдек икки ёнида осилиб қолди. Йиғиб олишга ақли етмасди. Аввал кўзи кулди. Оғзиям сал кулгандай кўринди. Мен унга қўшилдим. Биринчи у қилиғланди. Кейин мен. Аввал у икки қўлини сувга ботириб сув сачратди. Кейин мен. Биз маза қилдик. Вақтлар тўхтади, дарахтлар бош эгди, тошлар оғзини очиб қолди. Томошага капалаклар-да келди. Капалаклар ёруғликни айланиб ўйнашганча қур олишади. Тошбақанинг каттасидай келадиган ўргимчак осмондан немисча "w"га ўхшаб, ўрмалаб тушиб келаркан, тилаб олинган бошоғриқдек тантиғлиқ қилади. Навбатма-навбат ўнг кўзини юмиб, чап кўзини очиб, ўртада тилини бир чиқариб қўрқма, дегандек бўлади. Айниқса, унинг пиёладай-пиёладай келадиган кўзлари одамни шоширади. Кейинчалик бундай қилиқлар энг чиройли қизларда, тили ичига сиғмайдиган бойваччa қизларда, йигитларни биринчи бўлиб яхши кўрадиган қизларда бўлишини билганман.

Бир бети куйиб, бир бети кулганча ҳамишаги таниш шамол қайдандир сочи қўқиб келди. Кейин дарахтлар ўзаро уриш бошлайди. Бир-бирига қилич, найза кўтариб қолишди. Лип этиб бир шарпа ўтди. Барчаси тарқала бошлади. Охирида айиқча кетди. Онасининг қўлидан ушлаб, онаси унинг қўлидан ушлаб кетишди. Орқасига қараб-қараб, менга қараб-қараб кетди. Онаси-да пакар, боласи-да хомуш кетди. Мен орадан анча йиллар ўтиб, бу қарашни қадим жўралар нигоҳи бордеклигига бир ишониб, бир ишонмай, бир йиғлаб, бир кулиб эсладим.

Айиқча кетмасди, капалаклар ҳам. Подачи шошқалоқлаб тошни тепиб юбормаганда, тош келиб идишни сувга туширмаганда, сув бети бузилмаганда, айиқлар кетмасди. Кейин подачи ўзини тўхтатолмай чалқанча, чолорқа йиқилди. Ўрнидан туролмай, тирсакларига суяниб, ҳиқичоғи тутиб, каппа-каппа очилаётган оғзидан кўпик оқа бошлади. Бориб турғаздим.

Подачига ёрдам бериб бўлиб, навбат кунимиз тугаб, пода ортидан чангга ботиб қайтарканмиз, таққа тўхтадим. Нафасга чангга ботмай орқароқда юриш кераклигини, шундай ҳам ҳаммаси қишлоққа боришини билдиргандек қарадим. Жўрам тушунди. Подачи нимадир демоқчи бўлди-ю, бизга ҳукми ўтар вақт тугаганини илғади. Атрофга қарагим келди. Пастда, адирлар тугаган жойларда қадимги ҳукмдорларнинг таланган Мозорқўрғонлари мунғайиб турарди. Бир замонлар бу қўрғонлар яқинига йўлаб бўлмаган, қўриқчиларнинг сонидан саноғи кўп бўлган. Энди эгасиз эшаклар совуқнинг изғиринида пана топадиган жой. Кун шомга энкайди. Қишлоқ йўлида семиз чўлоқ каптар оқсоқланиб ризқ тераверди. Оч шекили, ҳа демай кўрмай қолишидан хавотир олиб, шошиб егулик чўқинарди. Шом тушса кўрмай қолади, сўнг, ушлаб олиб кетамиз деб Насаф билан кутиб турдик. Қушлар дарров тўяр экан. Яна париллаб учди.

* * *

Ойбулоққа Ойқортоғдан қанча қорлар эриб, эниб келди, бу азим булоқ нечовларга эртаклар айтмади. Бунинг ҳеч бирининг ҳисоби бўлмади. Неча ўспириннинг кўнглида яшириб, подачининг йўлларидан ошириб ўтганини тингламади бу ҳур булоқ.

— Чивиқлиғингдан биламан, барингни. Биз энди ўтин бўлдик. Ғайратинг борида белингни синдирма, тишинг борида узиб-узиб е, яхшилик қил, — дейди Подачи ўтган-қайттандан биронтаси бозорлиғи оғирлик қилиб нафас ростлаш баҳонасида ҳол сўраганда. — Ёлғон гапирган ўғриликдан ёмон. Ўзимизни кунимизга ўтин қалаямиз. Биров умрни гулхона, биров кулхона қилди, энг оғир иш тўғри йўл кўрсатиш, — дейди қаердадир эшитган гапини такрорлаб Подачи.

Подачи Жаркўча лабидаги ғовнинг оғзидаги отаси замонидан қолган ясси қайроқтош устида ўтиради. Ўтган-кетганга иши йўқ. Салом берса, илғаса олади. Бермаса хафа ҳам эмас. Хафагарчилик ҳам вақту замон, даврондаврнинг кўзига қарар экан, қурғур. Тиланчи хафа бўлса тўрвасига зиён деб бекор айтилмаган. Юришдан қолиб, ясситош устига энди чиққан, белда қувват бор кунлар Подачи бесалом ўтган-қайттанни салом бермадинг деб дўқлаган кунларниям сой эшиттан, жийдалар кўрган. Энди салом берсаям, бермасаям фарқи йўқ. Ёруғ кунни кўрганига, кеч бўлса ўрмалаб ғов ҳатлаганига хурсанд. Буям ғаниматлигини эс бир келиб қолганда сезиб, шукур қилади. Девор нима, бу нима, деган тенгқурлари у ҳақда. Тенгқурлар маракага ўрлаган, энгтан вақтлар қулоғи остига келиб юр кетдик дегандаям эшитмай, сезмай тураверrач, шундай дейишган.

Эшитса-эшитмаса подачига фақат Мардон гап қўшади. Жаркўча бўйлаб келаркан, узоқдан гап отади.

— Супангта ўзинг сиғмай қопсан-ку. Аёнга-аён. Сениям думингдан ушлаб тош устида михлаб қўйибди-да, — деганча бошини бир хам қилиб салом берган бўлади. Салом — қарзи Худо, деганча кўнглидан ўтказади. Подачи одатдагидек, оғзини очади. Ғулдирайди.

— Тил ҳам кетибди-ку, — дейди икки қўли икки ёқасини тутиб, яна кўнглига келмасин деганча, ёқасини тўғрилаган киши бўлиб, — бу кунинг ҳам бор экан-да, шўрлик.

Кунларнинг бирида қишлоғига йўли тушган мухбир, меҳмон боланинг йўл устидаги Подачига кўзи тушади. Олдига борган, кўнглини сўраган, ўзини таништирган бўлади. Подачи одамзотни биринчи бор кўраётгандай кўзларини қисгандан-қисиб узоқ тикилади. Кейин катта очади. Хира кўзлари қорани тусмоллайди. Оғзини очиб ҳол сўрашган ёки нимаиидир айтган бўлади. Орага бир майдон карахтлик чўкади. Фавқулодда яссИтош устида ўтирганида, олдида бош эгиб турганида хаёлига ўша булоқ бошида сувга тушган подачининг аҳволи, вақти соат бирдек келади, барчаси бирдек кўринади.

Жаркўчанинг ўртасига париллаб тушган ёлғиз чўлоқ каптар хаёлларни-да, кўчани-да тўзғитиб юборади. Подачи пиёласи ёнидаги шамолда суви қочган синиқ нондан ушатиб, кафтлари орасида ушоқлайди, кейин каптари шарпасини тусмоллаб дон сочган, каптар эса ризқ терган бўлади.

Меҳмоннинг димоғига Жаркўча тупроғининг ҳиди урилади. Ҳув бирда, чўлда қўй боққанда, тап-пот уриб, кўз илғар-илғамас олисларда кўтарилган иссиқ зўридан симёғочлар ҳам иккита-иккита кўринган кун алғов-далғов тушдай ўтади.

* * *

Айиқчани, йўқ, қулоқчини ўзига ярашиқ айиқчани, йўғ-э, қишлоқда айиқ демайдилар, полвон дейдилар, ҳа, полвонни кўргим келаяпти. Кўришиб қолсак яна сувсочар ўйнармикан? Капалаклар ҳам келармикан? Жаркўчадан таниш шамолга қўшилиб болалик чопиб ўттандек кўринади. Дунёда отасидан зўр одам йўқ, опасидан чиройли аёл бўлиши мумкин эмас болаликка қайтмоқ оғир кўринади. Болаликнинг бетига бетлашга юрак бетламайди. Подачининг ҳиқичоқ тутиб, "ҳақ" айтиб қолган турмуши кўз ўнгидан кетмайди... Қуёш қил устидаги умрнинг қонталаш уфқини бир кўрсатиб ботади...

Юрак ёлғиз соғинчдан қувват олади. Кўкай кўкдан. Умрни имон тоблайди. Ойнабулоқда, Ойқортоғ буржларида шундай гаплар ҳалиям бор. Менинг кўрганларимни сиз ҳам кўргандай бўлдингизми?

** қатала — қорамол подасига ёппа тегадиган бесаранжомлик. Бу безовталикда моллар емишга қарамайди, қир-адирда ўкириб, югуриб подачини сарсон қилади.*

# “БУ ФАҚАТ КИНОДА БЎЛАДИ”

## эътирофми, эътироз?

Мулоҳаза

...Хусусий студияда суратга олинган, тасмасидан ҳали ацетон ҳиди кўтарилмаган янги экран асарларидан бирида шундай воқеа ҳикоя қилинади: ўғил автофалокат туфайли касалхонага тушиб қолади. Муштипар онани ҳаяжонлантирмаслик учун ўртоқларидан бири зумда унинг қиёфасига киради (сочини ўзгартиради, тенгдошининг қилиқларини ўзлаштиради ва бошқалар). Бундан она бехабар ва энг қизиғи — нусхадош ўғил пинжига кирганда ҳам, эркалаганда ҳам унинг бегоналигини билмайди, ҳатто шубҳа қилмайди. Меҳри ийиб кетганда бошини силаб, “Сени қийналиб туққанман”, деб қўяди сидқидилдан. Бу ҳол ҳафталар бўйи давом этади (Афсуски, хусусий студияларда яратилаётган кўплаб филмларда сюжет ана шундай абсурд воқеалар асосига қурилмоқда). Тўғри, вазият кулгили, унинг ортидан томошабинни мириқтирадиган саргузаштлар рўй беради. Аммо табиий савол туғилади: эс-ҳуши жойида она улғайиб қолган фарзандини неча кунлар давомида танимаслиги мумкинми?

Айни кунларда мамлакатимизнинг асосий кино муассасасида ҳафтасига бир ёки икки янги тўла метражли бадиий филм муҳокамаси бўлиб ўтмоқда. Бу, албатта, ижобий ҳодиса. Агар бу манзарани



Филмни суратга олиш жараёни.

МДҲ давлатларидаги аҳволга таққосласак, кўплаб республикаларда кино саноати инқирозни бошдан кечираётгани ва вазиятни бартараф этишнинг яқин истиқболлари кўзга ҳам ташланмаётганига амин бўласиз. Шунга кўра, ўзбек киноижодкорларининг ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Бундай самарадорлик соҳага давлат даражасида аҳамият берилаётгани шарофатидир. Айниқса, ижодий рақобатни кучайтириш мақсадида хусусий студиялар фаолиятига оқ йўл берилгани бозор муносабатлари шароитида айни тўғри муносабат бўлганини ўтган йиллар тажрибаси тасдиқлади: бугунга келиб, хусусий студиялар маҳсулот (филм) яратиш бўйича етакчилик қилмоқда.

Кўплаб мутахассислар ва ижодкорлар миқдор нуқтаи назари билан баҳо бериш ҳамма нарсани тўла қамраб олмаслигини таъкидлайдилар. “Нима бўлса ҳам кўп бўлсин”, деган тамойил унча тўғри эмас. Ўзингиз айтинг, юртимизда яратилаётган олтмиштача асарнинг қай бири “Тоҳир ва Зуҳра” ёки “Сен етим эмассан” филмлари билан рақобатлаша олади?

Иккинчи тарафнинг фикрича, гарчи масалага “сон” эмас, “сифат” мезони билан ёндашиладиган бўлса, бу талаб ҳар доим биринчи ўринга қўйиб келинганига шоҳид бўламиз. Бироқ “сифат”га кино асарлари сонини чеклаб қўйиш билан эришиб бўлмайди. Ижодда эркинлик бўлиши керак, нодир намуналар, ёрқин истеъдодлар кутилмаган жойда ўзини кўрсатиб қолиши мумкин.

Йиллар синовига дош бериб, боқийлик касб этган асарлар “таржимаи ҳоли”га разм солинадиган бўлса, уларга бу мақомни берган фазилатлар бир-бирига ўхшашлигини илғаб олиш қийин эмас (улар умумлаштирилиб, мумтозлик белгилари сифатида қайд этилади). Шулардан бири бундай асарларда замон ва маконнинг аниқлиги. Энг оддий томошабин даражасида тан олинган бир қатор филмларни шу мезон билан қараб чиқайлик.

“Шамолларда учган ҳисларим” фақат қиз ва йигитнинг дардномаси эмас, балки Америка тарихида туб бурилиш даври бўлган фуқаролар урушининг ёрқин йилномаси ҳамдир. Бир тараққиёт босқичидан ўтиб, равон йўлга тушиб олишга интилган мамлакат жанубликлар билан ҳаёт-мамот курашида майдонга чиқади, бу катта издиҳом жами фуқароларни ўз домига тортади. Орзулар, ҳиссиётлар, режаларни бу темир оқим ўз измига бўйсундириб олади. Ана шу воқеалар филмда асосий ўқ бўлиб ўтади, турмушнинг майда даҳмазалари шу элакда сараланади, йириклашади. Воқеалар катта юксалиш сари юз бураётган аниқ бир мамлакатда рўй беради.

“Чоликуши” ўз оламида ўзига мафтун ҳавойи қизнинг хонаки кўнгил кечинмалари ҳақидагина сўзламайди, балки ҳали инсоний муносабатлар қатъий изга тушмаган, буюк келажакнинг тамал тошлари қўйилаётган, ҳар соҳада изланишлар кетаётган мутараққий мамлакатнинг изтиробли кунлари тўғрисида кўпроқ ҳикоя қилади.

“Ўтган кунлар”даги маиший воқеалар — ишқ саргузаштларига тузумнинг мудҳиш назари тушади ва оддий оилавий машмашага айланиб қолиши мумкин бўлган жўн воқеа катта ижтимоий мазмун касб этади. Энг шаффоф инсоний туйғу кўзгусида хон саройининг, умуман, жамиятнинг кир афт-ангори намоён бўлади. Филмга боқийлик туҳфа этган белгилар сифатида жозибадор миллий удумларнинг, либосларнинг етарлича қўлланганини таъкидлаш ўринли.

Аксарият хусусий студияларда суратга олинаётган филмларнинг энг катта нуқсони — улар ижтимоий юкининг енгиллиги, яъни фақат томошабоп, кишини зериктирмайдиган ҳаёт лавҳаларини бир ипга тизиб, мусиқа жўрлиги, гўзал чеҳралару чиройли манзаралар қуршовида тақдим этишидир. Улар ҳордиқ беради, холос, ақлга, шуурга қувват бермайди. Гарчи кейинги ойларда муҳокамадан ўтган “Ҳур қиз”, “Девона фаришта”, “Ўғлон”, “Сароб”, “Қора илон”, “Қутқаринг, қарияпман” сингари картиналарда жиддий, салмоқли гап айтишга уринишлар бўлсада, қолган асарларнинг аксарияти турмушдаги икир-чикирлар — ўғил уйлантириш, қайнона-келин можароси, пул топишга ружу қўйиш сингари майда мавзуларга бағишланган. Уларнинг қаҳрамонлари эътиқоди саёз, бетайин, молпараст, димоғдор, довдир, енгилтак, бақироқ одамлар (аслида, бундай кишилар халқимиз орасида кўп эмас, аммо ижодкорлар қайсидир пана жойлардан фақат шунақа “нодир нусха”ларни топишади). Боз устига бачкана қилиқлар, филмдан-филмга кўчиб юрадиган саргузаштлар, ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилмаслик сингари қусурлар томошабиннинг баттар жиғига тегади.

Халқимизда “Тан яраси тузалади, дил яраси тузалмайди” деган гап бор. Дилдан, кўнгилдан жой олган, яхшидир-ёмондир ахборотни ўчириб ташлаш қийин кечар экан, бугун болалаб кетаётган, одамзот ҳозиргача улуғлаб келган эзгу амаллардан чекиниш каби ҳолларни экран орқали намойиш қилавериш бориб-бориб ўнгланмас камчиликларга сабаб бўлмасмикан, деган мулоҳаза кўнгилни безовта қилаверади.

Дейлик, экранда фарзанд отасига ўдағайлаб гапираяпти ёки ака ва сингил ит-мушукдек муомала қилмоқда. Буни кўрган бизнинг томошабин, албатта, шундай йўл тутади, ҳеч бўлмаганда ўзининг шунақа қилиғидан хижолат бўлмайди, негаки, у бундай ҳолга гарчи кинода бўлса-да гувоҳ бўлди ва унда “Ҳамма шундай қилади”, деган ибтидоий тушунча шаклланди. Бундай нохуш манзараларнинг таъсири афъюн-(наркотик ёки алкогол)дан кам эмас. Миллийликдан йироқ, қайси замонда ва маконда кечаётганини билиб бўлмайдиган оммавий саҳналар ҳам афъюн каби одамни заминдан айириб, бўшлиққа олиб чиқади ва ўзининг “жозибали” оламига тортиб кетади. Ёш киномухлис ҳозир аксарият “киноюлдуз”нинг кийиниши, қилиқлари, ўзини тутиши, муомаласига тақлид қилиб улғаймоқда. “Шох уриштириб” саломлашишлар, эркакларнинг сирға тақиши, бақириб-чақириб гаплашишлар ва бошқа хурмача қилиқлар шу тақлидларнинг натижаси эмасмикан?

Ҳозир томошабин талабини қондириш учун харидоргир филмлар керак. Сармоядорга эса фойда керак. Демак, биринчи талаб — маҳсулотнинг фойда бериши. Таассуфки, кино оламида фақат томошабоп асарларнинг бозори чаққон. Бинобарин, ҳозирги шароитда томошабиннинг диди ҳам салмоқли омил ҳисобланади.

Энг асосийси эса ижодкорлар — сценарий муаллифи, режиссёр, қолаверса, бастакор, рассом ва оператор шахси билан боғлиқ. Мабодо, биронта ҳикоя ёзиб, китобхонга маъқул қилолмаган зот сценарий ёзса, режиссёрнинг хаёлида юксак инсоний туйғуларни тараннум этиш эмас, савияси саёз томошабинларни кўпроқ жалб қилиб, чўнтак тўлдириш дарди ғулу солиб турса, бастакор миллий мусиқадан бехабар кимса бўлса, рассом иштирокчиларни атайлаб ярим яланғоч кийинтириб турса, бундай жамоадан қандай маҳсулот кутиш мумкин? Айни пайтда аксар хусусий студиялар маҳсулотида шундай манзара ҳукмрон. Ижодий жамоанинг касб маҳоратидан ташқари дунёқараши, маслаги, эътиқоди кўп нарсани ҳал қилади. Бу борада санъат оламида тан олинган тамойиллар мавжуд. Очиғи, ҳозир аксарият хусусий филмлар касса учун ишланмоқда, уларда бадиийлик, ғоявийликдан кўра кўпроқ фойда кўриш илинжи устунлик қилмоқда....

Шубҳасиз, яратилаётган ҳар бир экран асаридан “Шамолларда қолган ҳисларим”, “Чоликуши” ёки “Ўтган кунлар” сингари салмоқли ижтимоий юк, юксак бадиийлик, бетакрор ижро талаб қилиб бўлмас, аммо миллионлар онгига фаол таъсир қилувчи кучли восита сифатида уларда шу кунларнинг ҳароратли нафаси, замондошларимиз тафаккуридаги ўзгаришлар, буюк яратувчилик манзаралари акс этиши шарт.

Ҳаётнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган ҳақиқатлари бор. Санъатнинг вазифаси эса ҳаёт ҳақиқатини бутун борлиғи ва мураккабликлари билан акс эттиришдир. Мабодо, кимдир “Кинода ҳамма нарса бўлаверади” деб ўйласа, бу ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас.

**Ҳаким САТТОРИЙ,**
**«Ўзбеккино» Миллий агентлиги матбуот котиби**

# ФЕСТИВАЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда пойтахтимиз фестиваллар ва анжуман шаҳрига айланган.

“Art.week.style.uz-2011” санъат ҳафталиги доирасида ўтаётган тадбирлар ранг-баранг дастури, турли ижодий лойиҳалар тақдимоти, тажрибали санъат намояндалари иштирокида ўтадиган маҳорат дарслари билан жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.



“Teatre.UZ/2011” халқаро театр фестивалининг очилишида. Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Ёшлар театрида тантанали суратда очилган “Theatre.uz/2011” халқаро театр фестивали ҳам санъат ҳафталиги доирасида ўтаётган муҳим воқеалардан биридир. Юртимизда иккинчи марта ўтказилаётган мазкур фестивалда хориж санъат усталари ижоди билан бирга, халқимизнинг бой ўтмиши, маданияти ва замондошларимиз ҳаёти акс эттирилган саҳна асарлари намойиш қилинмоқда.

Берлин “Русская сцена” театрининг “Ниқобнинг тазарруси” (Ю.Мисим), Ўзбекистон Ёшлар театрининг Буюк Британиянинг Work in Progress театри билан ҳамкорликдаги “Қисса йўқдир бундан маҳзунроқ...” (У.Шекспир ва А.Навоий асарлари асосида), Исроилнинг Беер-Шева шаҳар Goodman Theatre жамоасининг “Биринчи учрашув” (Н.Лабюта), Тожикистон рус драма театрининг “Рустам ва Суҳроб” (Фирдавсий асари асосида), Грузия “Ижодий лаборатория” театрининг “Машинисткалар” (М.Шизгалл) спектакллари пойтахтимизнинг театр мухлисларини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.



Суратда: Берлин театрининг «Ниқоб тазарруси» спектаклидан саҳна.

Шунингдек, юртимизнинг Миллий академик драма театри, Оперетта, Ёшлар, Ўзбек давлат драма, Қўқон шаҳар мусиқали драма, Рус академик драма, Ёш томошабинлар, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят театрлари, “Дийдор” ҳамда “Эски масжид” театр-студияларида саҳнага қўйилган “Ўзбекча рақс”, “Танҳо юлдуз”, “Йигирма ёшлилар”, “Гугурт ушлаган қиз”, “Умар Хайём юлдузи”, “Медея”, “Бальзаминовнинг уйланиши”, “Маликани ким қутқаради?”, “Майсаранинг иши”, “Лайли ва Мажнун”, “Она”, “Эгизаклар”, “Камалак нидоси” каби спектакллар ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Фестивал репертуаридан жой олган барча асарлар фалсафий мазмун-моҳияти, ўзига хос режиссураси, ижро маҳорати ва саҳна безаклари билан мухлислар эътиборини тортишига шубҳа йўқ.

Тадбир доирасида ўтадиган “Жаҳон театр жараёнида Марказий Осиё театрларининг роли ва ўрни” мавзуидаги халқаро форум, Буюк Британия, Германия, Исроил театр намояндалари иштирокидаги ёшлар учун маҳорат дарслари ҳам қизиқарли ўтиши кутилмоқда.

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ҳамза номидаги Қўқон давлат мусиқали драма театрида ёзувчи Саид Анвар асари асосидаги “Ғаройиб туш ёки осмондан тушган одам” спектакли мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Асарни театрнинг бош режиссёри Азимжон Азизов саҳналаштирган. Ҳозирги кун воқеаларига бағишланган сатира ва юморга бой саҳна асари образларини Собиржон Розиқов, Одинахон Бегматова, Ғайрат Аҳмедов, Отабек Анваров, Иқбол Низомов ва бошқа актёрлар талқин этмоқда.

**Баҳодир НОСИРОВ**

# Малайзияда Ўзбекистон маданияти кунлари

Мамлакатимизнинг чет эллар билан маданий ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Яқинда Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари бунинг ёрқин далилидир.

Малайзиядаги Ўзбекистон элчихонаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур маданий тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Куала-Лумпур мэри Фуад Аҳмад Бин Исмоил қатнашди. Мэр жаноблари тадбир қатнашчиларини қутлаб, шу йил Малайзия делегациясининг Ўзбекистонда бўлгани тўғрисида сўзлади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан маданият ва санъат соҳасига катта эътибор берилаётгани мамлакат тараққиёти ва унинг янада гуллаб-яшнашига мустаҳкам пойдевор бўлаётганини таъкидлади.

Тадбирда қатнашган Малайзия ахборот, коммуникациялар ва маданият вазирлигининг халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи С.Илангован, Куала-Лумпур шаҳар маъмуриятининг халқаро департаменти бошлиғи Абдуллоҳ Солиҳ ўзбек халқининг очиқ кўнгил ва меҳмондўстлиги, халқ амалий санъати намояндалари ижоди Малайзияда тобора эътибор қозонаётгани ҳақида сўзладилар. Айниқса, сопол буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, миниатюралар, турли ипак маҳсулотлари юртимизда ноёб халқ амалий санъати анъаналари мавжудлигидан далолат бериши эътироф этилди.

Жаноб Фуад Аҳмад Бин Исмоил Куала-Лумпурда Ўзбекистондаги тарихий-меъморий ёдгорликларга айнан ўхшайдиган бино қуриб, ўзбек маркази ташкил этишни таклиф қилди. Марказ келгусида малайзияликлар ҳамда хорижий сайёҳлар учун “Ўзбекистон дарвозаси” бўлиши мумкин.

Бундай маданий ҳамкорлик тадбирлари, шубҳасиз, икки халқ ўртасидаги дўстлик риштaларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

# ЁШЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ

Кўргазма залларида

Тошкент фотосуратлар уйида фотография ижодий мактаб-студияси битирувчиларининг ҳисобот кўргазмаси очилди.

Кўргазма экспозициясидан турли жанрдаги юздан ортиқ асарлар ўрин олган. Кўргазма рангли ва оқ-қора, манзара ва натюрморт, портрет, маиший репортаж ҳамда сўнгги урфдаги фэшн-фотосуратлардан иборат. Наргиза Эргашева ёрқин ва эсда қоладиган асарлар яратса, Азим Пўлатхўжаев тасвирлари гўзаллик ва мукаммаллик касб этган. Марина Нюгай, Елена Шин нафис ва драматик асарлар туркумини яратишган. Нигина Фаттоҳ асарларида қушлар ва жонзотлар олами тасвирланган. Марина Прохорова, Юлия Булгакова, Элвина Юсупова, Виктория Хван, Гуландом Долимова асарларида одамларнинг оддий турмуш тарзи, бахтли болалик, тинчлик тараннум этилади, Комила Абдусаматова ишларида шаҳар манзараси етакчилик қилади. Ирина Куницина репортаж жанрига қўл урган.

Экспозицияда намойиш этилаётган фотосуратлар томошабинларни истеъдодли фотосуратчилар авлоди ижоди билан кенг таништиради.

**Сарвара ҚОСИМОВА**



Алексей ПОПОВ олган сурат.

# ЭКРАНДА “ОДИЛ СУД”

ТВ

— Ўрнингиздан туринг, суд келаяпти!.

Одатда бу сўзларни кинофилмлар намойиши пайтида кўп эшитганмиз. Ушбу огоҳлантиришдан сўнг ҳамманинг нигоҳи суд залига қаратилади.

“O’zbekiston” телерадиоканалининг “Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсатувлар” бош муҳарририяти томонидан ҳар ойда икки марта эфирга чиқадиган 40 дақиқалик “Одил суд” кўрсатувининг бошланишида ҳам одамларни ҳушёрликка чақирадиган ана шу сўзлар жаранглайди.

Кўрсатув бошланганига бир ярим йил бўлди. Ҳозиргача унинг ўттиздан ортиқ сони экран юзини кўрди. Кўрсатув борган сари янада “очилиб”, ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаб бормоқда.

“Қонун ҳимоясида”, “Бир жиноят изидан” кўрсатувлари ҳам бевосита одамларни ҳушёрликка ундовчи, уларнинг ҳуқуқий савиясини оширишга йўналтирилган кўрсатувлар сирасига киради. Бинобарин, бундай муҳим, долзарб мавзуда кўрсатувлар тайёрлаш борасида муҳарририят анча тажрибага эга.

«Одил суд» кўрсатувини тайёрлашдан кўзда тутилган мақсад-муддао ҳақида мазкур бош муҳарририятнинг бўлим бошлиғи, кўрсатув муаллифи Жўра Бобораҳматов шундай дейди:.

— Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили Парламент палаталари қўшма мажлисида илгари сурган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. “Одил суд” кўрсатувини ташкил этишдан мақсадимиз ҳам республикамизда суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларининг босқичма-босқич амалга оширилаётганини амалда кўрсатган ҳолда телетомошабинларнинг ҳуқуқий савиясини юксалтиришга ҳисса қўшишдан иборат. Шунингдек, суд жараёнларини бевосита телеэкран орқали намойиш этиб, кўрсатувлар таъсирчанлиги ва самарасини оширишни мақсад қилганмиз.

“Одил суд” кўрсатувининг эътиборли жиҳати шундаки, суд жараёнида иштирок этаётган судья, прокурор, адвокатлар бевосита шу соҳада ишлаётган кишилар бўлиб, кўрсатувларни тасвирга олиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Республика Олий хўжалик суди залларида кечади. Ижодий гуруҳга кўрсатувларни ёзиб олиш учун мутасаддилар томонидан қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Олий суд ва Олий хўжалик суди жамоаларининг Миллий телерадиокомпания билан миллионлаб телетомошабинларимиз манфаатини кўзда тутган ўзаро ҳамкорлиги самарали бўлаётир.

“Аср вабоси” номини олган гиёҳванд моддаларни ўтказиш ва сотишга уринган шахснинг кирдикорлари акс этган кўрсатувда судья, судланувчи, прокурор, котиб, гувоҳлар, адвокатларнинг суд жараёнидаги чиқишлари, иш юзасидан бўлган музокаралар жонли ва табиий чиқди. Бошловчининг кўрсатув давомидаги изоҳлари, баъзи вазиятларни тушунтириб бериши унинг янада жонли ва қизиқарли бўлишини таъминлади.

Яна бир кўрсатувда ўзгага тегишли транспорт воситасини зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб олиб қочган шахс қилмишига доир суд жараёни акс эттирилди. Суд тафсилотларига кўра Рустам Ҳалимов Поп тумани, Қорасон қишлоғида яшовчи таниши Эсонали Салимов бошқарувида бўлган “Тико” автомашинасида Чуст туманида яшовчи аммасининг уйига олиб бориб келишни илтимос қилади. Ҳайдовчи Э.Салимов билан айтилган манзилга боришади. Орқага қайтаётиб, Рустам Эсоналидан машинани овлоқ жойда тўхтатишни сўрайди. Машина тўхтагач, ёнидан пичоғини чиқариб, Эсоналини қўрқитади. Унга машинадан тушиб, четроққа ўтишни буюради ва “Тико” машинасини олиб қочади.

Тезкор суриштирув ишлари натижасида фуқаро Э.Салимовга тегишли машина топилиб, текшириб кўрилганда, автомашина орқа юкхонасида қизил пластмасса сопли ош пичоғи борлиги аниқланади ва далилий ашё сифатида олинади.

Судда баён этилган воқеалар тасвирга туширилиб, телетомошабинларга намойиш этилди. Судланувчи Р.Ҳалимов қилмишидан пушаймонлиги, кайф устида билмасдан жиноятга қўл ургани, талаба экани, ёшлиги, мастлигини ҳисобга олиб, уни кечиришларини сўрайди. Воқеалар кўрсатувда анча табиий, таъсирчан акс эттирилган.

“Одил суд” кўрсатувларида миллий қонунчилигимиздаги ярашув институтининг амалдаги фаолияти ҳам атрофлича ёритиб берилаяпти. Масалан, эҳтиётсизлик оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчи, безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, ўзганинг мол-мулкини фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш каби жиноятлар содир этилганда, одатда, суд жиноятчи билан жабрланувчини ўзаро муросага келтириб, яраштиради. Билмасдан, тасодифан жиноят содир қилиб қўйган шахс жабрланувчига келтирилган зарарни қоплайди ёки товон тўлаш йўли билан жабрланувчини рози қилади. Суд орқали бу каби ўзаро келишувларнинг ташкил этилиши, биринчидан, одамларнинг судма-суд юриб, вақтларини бекорга йўқотишлари олдини олса, иккинчидан, суддагиларнинг ҳам ишларини анча енгиллаштиради. Билмасдан, тасодиф орқали ёки ёшлик қилиб жиноят содир этган киши билан жабрланувчи ҳақида бир неча кўрсатувлар тайёрлаб, телетомошабинларга намойиш этилди. Уларнинг ўзаро баҳс-мунозара, тортишувлари, суд аъзоларининг қонун нуқтаи назаридан уларга маслаҳатлар бериб, муросага келтиришлари кўпчиликка манзур бўлади.

Кўрсатувнинг томошабинлар учун яна бир фойдали жиҳати шундаки, унда суд, судлов фақат одамларни жазоловчи тизим эмас, балки уларни тарбияловчи, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни кечирувчи, уларга енгиллик берувчи одил суд экани кўрсатиб бериляпти. Айниқса, кўрсатув жараёнида судланган кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари, уларга нисбатан суд тизими ходимларининг муносабатлари очиқ-ойдин, қандай бўлса, шундайлигича акс этаяптики, кўрсатув мухлислари ҳар бир фуқаронинг қонун олдида жавоб бериши, ўз навбатида уларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан кафолатланишига амин бўлаяптилар. Шу жиҳатдан кўрсатув республикамиз аҳолисининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсишига хизмат қилаяпти, дейиш мумкин.

Кўрсатувни таъсирчан ва мазмунли тайёрлашда режиссёр Ёқуб Муродов, тасвирчилар Бахтиёр Ғуломов, Носир Абдуллаев, Бекзод Қодиров, Дилмурод Содиқов, муҳаррир Маламин Сафаров, режиссёр ёрдамчилари Юлдуз Ҳидоятова, Барно Маҳкамбоева, монтажчи Абдушукур Ҳакимжоновнинг ҳиссаси катта.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, суд жараёнида иштирок этадиган судья, прокурор, адвокат шу соҳада хизмат қилаётган кишилар бўлса, суд маслаҳатчилари, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар ролини одатда талабалар ёки актёрлар ижро этади.

Ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, баъзи кўрсатувлар жараёнида рол ижро этаётганларда малака етишмаслиги, гоҳида ҳиссиётга берилиш ҳоллари сезилиб қолади. Албатта, буларни вақт ўтиши билан тузатиш мумкин, деб ўйлаймиз.

**Юсуфжон ҲАМДАМОВ,**
**ЎзМУ доценти**

